



Hurriyat

Mustaqil gazeta

2024-yil
22-may
chorshanba
№ 21 (1396)

Gazeta 1996-yil dekabr dan chiqa boshlagan * www.uzhurriyat.uz * @ gazhurriyat@mail.ru * t.me/hurriyatuz * Hurriyat gazetasi

ЮЗМА-ЮЗ

СУРХОНДАРЁ ЁРУҒ ЎЗГАРИШЛАРГА ЮЗ ТУТМОҚДА

Сурхондарё вилояти ҳокими Улуғбек Бердиқобилович ҚОСИМОВ билан суҳбат

Бугунги кунда юртимизнинг барча ҳудудлари каби Сурхондарё вилоятида ҳам сезиларли ўзгаришлар, ислохотлар самаралари яққол кўзга ташланади. Бугунги Сурхондарё бундан 8-9 йил аввалги Сурхондарё эмас. Вилоят маркази Термиз ниҳоятда обод, чиройли ва гўзал шаҳарга айланган. Буни шаҳарда қад ростлаётган бир-биридан кўркам турли иншоотлар, уйлар, обод кўчалар мисолида ҳам кўриш мумкин. Албатта, бу ишлар Президентимизнинг Сурхон воҳасига эътибори, кўмаги натижасида амалга оширилмоқда. Қолаверса, ислохотлар самараси, аҳолининг тадбиркорликка бўлган қизиқишлари кўллаб-қувватланаётганидан дарак беради. Аммо ҳаёт экан, унда ютуқлар билан бир қаторда ўзига яраша муаммолар ҳам бўлиши табиий.

Қуйида Сурхондарё вилояти ҳокими Улуғбек Бердиқобилович Қосимов билан мулоқотимиз мавзуси кейинги пайтларда воҳада амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жараёни ва келгусида рўйбга чиқариладиган ишлар, ёруғ ва истиқболли лойиҳалар хусусида бўлди.

— Улуғбек Бердиқобилович, ўзингизга маълум, Сурхондарё ўзининг бой ва қадим ўтмишига, юксак маънавий илдизларига, меҳнаткаш ва танти элига эга бўлган юрт. Ушбу вилоятга биринчи раҳбар бўлиб тайинланганингиздан кейин ишни дастлаб нималардан бошладингиз?

— Дарҳақиқат, Сурхон воҳаси жуда қадим тарихга, маданиятга эга ўлкадир. Бу замин шунчалик қадимийки, ҳар бир қаричи мозида сўзлайди, десак, хато бўлмайди. Мактабда, сўнг олий таълим даргоҳларида ўқиган манбаларимиздан ҳам биламизки, қадим Сурхон-Бақтрия давлатчилигининг маркази ҳисобланган бу замин ҳатто инсоният яратилишига оид даврларда мавжуд бўлган цивилизация-тамаддун бешикларидан ҳисобланиши сир эмас. Мозий хилқатларидан ҳикоя қилинишича, Сурхондарёнинг Бойсун туманига тегишли Тешиктош горидан илк неандертал одам-бола суяклари топилган. Эски Термиздаги Фаёзтепа, Қоратепа ёдгорликлари ёки бугунги Шурчи тумани ҳудудига тегишли Далварзентепа, Денов туманидаги Қоратепа, умуман, Чағониён тарихига оид манбалар билан танишар экансиз, бу ўлка ўтмиши неча минг-минг йилларга бориб тақалишига имон келтирасиз.

Бундан анча йиллар олдин ўқиганим ҳали ҳам эсимда: Сурхондарёнинг табиатсевар

ёзувчиси Менгзиё Сафаровнинг гўзал бир китоби бор эди. Адашмасам, “Она юрт кўшиги” деб аталар эди. Унда ёзилишича, бутун жаҳонни зир титратган Александр Македонский (биласиз, халқда у Искандар Зулқарнайн деб аталади) юртимизга бостириб келганида, ўз кўшини билан Жайхун-Амударёдан кечиб ўтар экан, ҳайратдан лолу ҳайрон бўлиб қолибди. Қараса, бу қадим Бақтрия ерлари шу қадар гўзал, мафтункор, кўм-кўк далаларга, яйловларга эга эдики, у кўзлари ёниб шундай ўйлаган экан: “Наҳот оламда менинг Македониямдан ҳам гўзалроқ, ободроқ жойлар бўлса?!”

Ҳа, шундай эди. Бу юрт тарихи ҳақида кўп гапириш мумкин. Неча минг-минг йилликлар замирида не-не кечмишлар, топишишлар-у йўқотишлар ётганини бир ўйлаб кўрайлик. Алпомишлар юрти бўлган Сурхондарё XIII асрнинг бошларида Чингизхоннинг ҳалокатли босқинига учрайди. Ундан олдинги тарихи Кушонлар даврида, Сосонийлар даврида, сўнг араблар истилоси, Қораконийлар, Ғазнавийлар, Салжуқийлар... эҳе, не-не босқинларни бошидан ўтказмаган дейсиз. Аммо она юртимиз афсонавий Қақнус қуши каби қайта тирлиб, юксалишда давом этаверди. Қизиқиб ўқиганим юрт тарихи хусусида ҳатто Амир Темура саройига келган Кастилия қироли Генрих III нинг элчиси



Клавиво кундаликларида ҳам кўп қизиқ маълумотлар айтилган...

— Қойил, Улуғбек Бердиқобилович, ҳокимларнинг тарихдан бу қадар чуқур маълумотга, билимга эга эканлигининг гувоҳи бўлиш жуда ҳайратли ва таҳсинга лойиқ, очиги...

лоят ҳокими вазифасини бажарувчи, 2023 йилдан эса ҳоким сифатида фаолият юритиб келмоқдам. Биринчи галда Юртбошимиз томонидан қўйилган вазифа вилоят аҳолисининг қувончу ташвишларига шерик бўлиш, бор имкониятларни ишга солиб, воҳа иқтисодиётини янада ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш, бандлигини кўтариш, даромадлари ошишига эришишдир. Яхши биласиз, вилоятимиз Ўзбекистоннинг жануби-шарқий нуқта-сида жойлашган бўлиб, Афғонистон, Тожикистон ва Туркманистон давлатлари билан чегарадош ҳисобланади. Энг муҳими, муҳтарам Президентимизнинг Сурхон элига бўлган чексиз меҳри, ҳурмати туфайли вилоятимизга доимий эътибор қаратиб келинаётгани туфайли энг оғир масалалар ҳам ечиб берилмоқда. Мен эса биринчи иш кунларимни вилоятдаги энг оғир масалалар ҳисобланган аҳолига кўпроқ иш ўринларини яратиш, ижтимоий соҳада тўпланиб қолган муаммоларни ҳал қилиш, ёшларимизнинг замонавий шарт-шароитлар асосида сифатли таълим олишига доир масалалар, халққа бирламчи тиббий хизмат кўрсатиш сифатининг яхшиланишига доир муаммоларга ечим топиш, вилоятга чет эл ишбилармонларининг сармоя киритишларини кўллаб-қувватлаш, бунинг учун ҳар томонлама қулай муҳитни янада яхшилаш, воҳанинг олтинга тенг заминдаги ўзлаштирилмаган табиий конларни ўзлаштиришга доир кўпдан-кўп масалаларни ҳал қилишни биринчи галдаги вазифам деб эътибор қаратдим.

Албатта, ҳамма ишларни, аввало, кадрлар ҳал қилади. Шунинг учун ҳам вилоят тарихида авваллари юз бермаган имкониятни Давлатимиз раҳбари яратиб берди. Деярли барча шаҳар ва туман ҳокимлари янгидан тайинланди. Энди улар билан ҳамжиҳатликда бор имкониятларни ишга солиб, Сурхондарёни энг обод вилоятга айлантириши-миз — бош вазифа.

3-6

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ “ЎҚИМАСИН!”

САИД ИСЛОМХЎЖА ҚАРОРГОҲИ ВА САЁДХОННИНГ БОҒИ НЕГА ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА?

- Саид Исламхўжанинг ёзган қароргоҳи ва дам оладиган иморати нега қаровсиз ҳолда?
- Хива хонлигининг бош вазири ҳақида ишланган фильм фақат “Ичонқалъа”да олинганлиги ростми?
- Саёдхоннинг боғи ҳақида нималарни биламиз?

2-6



РЕКТОР МИНБАРИ

ТАЪЛИМДА АДОЛАТ БОШ МЕЗОН БЎЛМОҚДА

Бугун янги Ўзбекистонда олий таълим тизимидаги ижобий ўзгаришлар ривожланиб, янгиланиб борадиган жараёнга айланди. Соҳадаги ислохотларни жадаллаштириш, белгиланган марраларга етиш Давлатимиз раҳбарининг доимий диққат-эътиборида эканига гувоҳ бўлиб турибмиз.

Қайд этиш лозимки, мактаб битирувчиларини олий таълим билан қамраб олиш даражасини ошириш, қабул жараёнини такомиллаштириш ва бошқа шу каби масалаларнинг ечими борасида улкан қадамлар ташланди. 2017 йилгача Ўзбекистонда ёшларни олий таълим босқичига қамраб олиш кўрсаткичи

9-10 фоиздан ошмаган бўлса, Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан қўрилган чора-тадбирлар туфайли 2017-2021 йилларда бу рақам олдинги 9 фоиздан 28 фоизга етди. Олий таълим муассасалари сони 2017 йилда республикамиз бўйича 78 та бўлган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 210 тани ташкил этмоқда. Талабалар сони 2017 йилда Ўзбекистонда 300 минг нафар эди, 2024 йилга келиб бу рақам 1 миллион 350 минг нафардан ортиқни ташкил қилапти. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизими 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида эса олий таълим билан қамров даражасини 50 фоиздан ошириш белгиланган.

6-6



ЭЛ СУВ ИЧГАН ДАРЁЛАР

Ён, чироғим, тонгга қадар ён!

(Эссе)

Беназир адиб Абдулла Қодирий “Мозийга қайтиб иш кўрмак хайрли экани” ҳақида ёзган. Шу фикр ҳикмати суяниб, фақат жуда олис мозий эмас, яқин тарихимиз сабоқларидан ҳам ибрат олмоқ қанчалар муҳим ва ибратли эканини Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шухрат ҳаёти ва фаолияти билан яқиндан танишганим сайин чуқурроқ ҳис этасан.

Алимов Ғулум Аминжон ўғли (Шухрат) 1918 йил 19 апрелда Тошкент шаҳрининг Хастимом маҳалласида таваллуд топди. Муаллифининг 75 йиллик ҳаёти — ақлини таниганидан кетма-кет уланган ҳаётининг синовларни мардлик, бағрикенглик, сабр-қаноат, ирода, адолат тантанасига ишонч билан энгиб яшаш — жасорат йўли бўлди, дейиш мумкин.


Ўтган асрнинг ўттинчи йилларида у ҳаётга қалби тўла муҳаббат, бутун борлигини сирли шеърини қамраб олган, олам гўзалликларига мафтун, кўзларида дунё тиниқ, шаффоф нурларга йўғрилгандек жилваланган, эртанги кунни энтиқиб, ҳаяжонланиб кутаётган ҳаёлараст, ранглардан кўзи қамашадиган, юксак мақсадлар қанотида учиб бораётгандек... бир сўз билан айтганда, ҳавасманд, ғайратли, орзулари юксак шоир бола эди.

Ҳа, Шухрат адабиёт гулшанига қайноқ, шаффоф, ўтли туйғулар билан муҳаббат, гўзаллик, ёшлик куйчиси бўлиб кириб келди. Ёш шоир қал-

бидан шеърларига кўчган халққа, Ватанга, она тилига, ҳаётга муҳаббат нечоғлиқ самимий, теран экани ўша даврдаёқ йигитнинг азму қароридан синалди: инсоният бошига кулфатлар ёғдирган Иккинчи жаҳон уруши бошланган кунларда у эрк-севар, адолатсевар ўғонлар қаторида фронтга жўнаб кетди. Уша пайтларда республика матбуотида унинг шеърлари тез-тез чоп этиларди, ижоди адабий доираларда илқ эътирофларга муносиб бўлиб қолганди.

Кавказ тоғларида немис қўшинлари нефть захираларини эгаллаш учун қаттиқ кураш олиб борарди. Шухрат фронтнинг мана шу ҳудудларидаги даҳшатли жангларда қатнашди. Тоғ сўқмоқларида, довлонларда ўлим билан юзма-юз курашди.

7-6



1-6

Маълумки, мамлакатимизнинг энг қадимий шаҳарларидан саналган Хива милоддан олдинги II асрда барпо этилган. Олимплар Хива номини шаҳарнинг қадимий қисмида жойлашган Хивақ (Хейвақ) қудуғи билан боғлашди.

Аммо баъзи халқ ривоятларида Нух пайгамбарнинг ўғли Сом бўлажак Хива ёнига келиб қудуқ қаздириб, шаҳарга асос солган дейишади. Энг қизиғи, Ичонқалъада Хейвақ қудуғи сақланиб қолганлиги ривоятларнинг ҳақиқатга яқинлигини намойён этади.

Хиванинг яна бир буюклиги шундаки, у ал-Хоразмий, Нажмиддин Кубро, Пахлавон Маҳмуд, Муҳаммад Раҳимхон (Феруз), Мунис, Огаҳий каби буюкларга бешик бўлган муқаддас заминдир.

Хива тарихида жуда кўп хонлар яшаб ўтишган ва уларнинг тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Хивада жуда кўп хонлар ва вазирлар фаолият олиб боришган. Аммо фақат биргина бош вазирнинг номи абадийликка муҳрланганлигининг сабаби нимада?

Муҳаммад Раҳимхон II даврида ўзининг зуққолиги, билимдонлиги, жуда кўп хорижий тилларни билиши ва бошқа хусусиятлари билан ўз ўрнига эга бўлган, тарихда чуқур из қолдирган Саид Исломуҳжа ҳақида кинофильмлар ишланганлиги бу шахс ҳақиқатан ҳам ўз даврининг зиёлиси бўлганлигидан дарак беради.

Муҳаммад Раҳимхоннинг вазири бўлган Иброҳимхўжа вафотидан сўнг отаси ўрнига унинг сеvimли фарзанди — Саид Исломуҳжа тайинланади. Болалигидан диний ва дунёвий билимларни эгаллаган 26 яшар Саид Исломуҳжа юксак иқтидори туфайли хоннинг назарига тушади ва бош вазир лавозимида саройда ўз мавқеига эга бўлади.

Саид Исломуҳжа хонликда саноат ҳамда қишлоқ хўжалиги ишларини янада ривожлантириш, савдо-сотиқни тараққий эттириш, халқнинг саводини чиқариш борисида катта ишларни амалга оширади. Халқнинг тўқинликда фаровон яшашу учун соқиларни қамалтириш борисида бош вазир ташаббуси билан муҳим қадам ташланади. Унинг саъй-ҳаракати туфайли Ичонқалъада энг баланд бўлган Исломуҳжа минораси ва мадраса қад ростлайди. Янги заводлар бунёд этилади, жадидчилик мактаблари очилади. Вазири акбарнинг ташаббуси туфайли воҳанинг иқтидорли ёшлари Оренбург, Туркия ва Франция давлатларига ўқишга юборилади.

Исломуҳжа янги ислохотларга бош бўлади, меъморий обидалар қурилишини йўлга қўyadi. Вазирининг яна бир янги режиси — Хивага темир йўл келтириш вазифаси бўлади.

Қурилиб турибдики, ёш бўлса ҳам катта ишларга бош бўлган вазир хоннинг энг ардоқли ва ишончли кишисига айланиб улғуради. Чет эллар билан савдо-сотиқни йўлга қўyadi. Муҳаммад Раҳимхон II вафотидан сўнг тахтга чиққан ўғли Исфандиёрхон ҳам бош вазирга чекиз хурматда бўлади. Боси, Саид Исломуҳжанинг ташаббуси билан Нуруллоҳ кичики саройи қад ростлайди. Илк бор Хивада касалхона фаолияти йўлга қўйлади. Энг қувончлиси, хонлиқни ва шаҳар атрофини ёруғлик билан таъминлайдиган электростанциянинг фойдаланишга топширилиши, пахта тозалаш заводининг янги ускуналар билан жиҳозланиши, дорихона ташкил этилиши, аҳолининг узогини яқин қиладиган почта, телеграф қурилиши ислохотларнинг бошланғичи эди. Бош вазирнинг ўз маблагга эвасига Хоразмнинг бир қанча ҳудудларида замонавий мактаблар ташкил этилиши эса кўпчилик ёшларнинг саводхон бўлишларига замин яратди.

Янги Урганчда ўғил ва қиз болалар учун алоҳида мактаблар очиб, миллат фарзандларининг зиёли бўлишлари учун қилинган эзгуликлар асрлар ўтса ҳамки, унутилмасдир. Саид Исломуҳжага хонлиқни идора этишдаги хизматлари учун "Вазири акбар" унвони берилиши бежиз эмас эди.

Ўз-ўзидан аёни, эзгуликлар бошида турган бош вазирнинг қилаётган ишлари унинг душманларига ёқмаслиги тайин эди. Шу боси қабиҳ ниятли кишилар Саид Исломуҳжанинг жонига қасд қилишади...

Хизмат сафари асносида Саид Исломуҳжа фаолият олиб борган ва чет эллик элчиларни ҳамда фуқароларни қабул қилган қароргоҳда ҳамда дам олиш уйида бўлди. Надоматлар бўлсинки, бир пайтлар салобати ва ҳашамати билан дилларни мафтун этган иморатлар бугун қаровисиз қолиб кетган. Биноларнинг тева-рак-атрофи ташландиқ ҳолда ётибди. Назаримда, кенг хоналар, қаровисиз бинолар узра эзгулик элчиси Саид Исломуҳжанинг нотинч руҳлари кезиб юргандек... Боси, бугунги авлоднинг, масъулларнинг бепарволиги, лоқайдлиги туфайлими, бир пайтлар хорижлик элчилар ҳам кўз қамашар ҳашаматига мафтун бўлган иморатларнинг ҳозирги кунда ҳамон музейга айлантирилмай эътибордан четда қолиб кетаётганлиги, обод қилинмаётганлиги ачинарли ҳолат эмасми?!

Боши танасидан жудо қилинган бош вазирнинг кўркам сиймоси кўз олдимизда гавдаланади... Ажабо, оппоқ соқоли нуроний доши-мадд қиёфасида... Саид Исломуҳжанинг нимадандир норозилиги нигоҳларидан кўриниб тургандек эди... Эли ва юрти учун эзгу мақсадлар йўлида белини маҳкам боғлаб, хайрли ишлар билан ўртага чиққан бош вазирни ватандошларининг хоинлиги, хиёнати, яхшиликларга нисбатан қилинган ёмонликлар марҳумни ҳамон азоблаётганини ҳис этиш қийин эмас.

Атрофда номсиз бир соқинлик ҳукмрон. Жимжитлик узра эл-улусни яхшиликлар сари бошлаган, аҳолининг ҳаловати, фаровонлиги учун фидойилик қилган бош вазир хотира-сига тиловат қилиб, бир пайтлар халқнинг ари тинланган, адолатли қарорлар қабул қилинган мўътабар даргоҳнинг муқаддас остонаси-дан минг бир ҳаяжон ва ҳайратлар билан ҳат-лайман.

Ўзининг хайрли ва барокатли ташаббуслари билан халқ орасида кенг ҳурмат қозонган Саид Исломуҳжа яшаган ва фуқароларни қабул қилган иморатнинг бугунги кунда негадир эътибордан четда қолаётганлиги кечирилмас ҳолдир.



Мазкур муқаддас бинонинг пештоқиға шундай ёзувлар битилган: "ISLOM XO'JA YOZGI QARORGOHI ARXITEKTURA YODGORLIGI XIX ASR DAVLAT MUHOFAZASIGA OLINGAN"

Хўш, мазкур иморат давлат муҳофазасига олинган бўлса, нега қаровисиз ҳолга тушиб қолган? Наҳотки бу тарихий иморатни тазмирлаш, бу ерга саёҳатчиларни жалб қилиш, зиёратгоҳдек бир масканга айлантириш жуда қийин?

Ҳатто бир пайтлар деворга илинган ёзувнинг униклиб кетганлиги лоқайдликдан дарак бермайдими? Иморатдаги бир-бирдан гўзал хоналар бўм-бўш ҳолда ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Бинонинг орқа томонидаги айвонга қалаштири ташланган халталар бу мўътабар даргоҳнинг ҳуснини бузиб турганлиги яққол кўриниб турибди. Исломуҳжанинг ўзи бош бўлиб қурдирган, аммо бугунги кунда ғиштлари тўқилиб, қаровисиз қолган ҳовузнинг саккиз бурчакли шакли ҳайратни оширади. 8 рақамнинг сирлилиги нимада экан?

Бинонинг орқа томонидан тепага, иморатнинг томига чиқиладиган, тахтадан ишланган кунгурдор зиналарга ишлов берилса, саёҳатчиларнинг ҳайратини, қизиқишини ошириши турган гап. Бинонинг синган деразалари ўрнига фанер қоқиб қўйилганлигини кўрган кишининг юраги йиғлайди.



Ушбу муборак даргоҳ гўзал ҳолда тазмирланса, хорижликларни мафтун қиладиган музейга, мухташам бир қадамжого айланиши турган гап.

Мазкур биноларнинг қуриқчиси Низомиддин исмли ходим Саид Исломуҳжа худди шу жойда хориждан — Туркия, Германиядан келган элчиларни қабул қилганлигини таъкидлайди.

Ушбу иморатга туташ жойлашган яна бир икки қаватли бинода бош вазир яшаган экан. Жимжимдор айвончали, гоят гўзал дид ва маҳорат билан қурилган бинонинг ёзда салқин, қишда иссиқ бўлишида қандай каромат ва сир-синоат яширин? Ушбу хоналарнинг баъзиларидан ўша пайтда совитиқ сифатида фойдаланилган. Ҳатто ёзи жуда иссиқ келадиган саратон чилласида ҳам, қишнинг изғиринида ҳам турли хилдаги мевалар бунс-бутун сақланган. Ерлик аҳоли ушбу биноларнинг деворлари лой пахсадан қурилиб, эни 2 ярим метрдан зиёд бўлганлигини таъкидлашади.

Айни пайтда бош вазир дам олиш уйининг икки хонасида "MADANIY MEROS OBYEKTлари RESTAVRATSIYASI DIREKTSIYASI" DAVLAT MUASSASASI XIVA MINTAQAVIY RESTAVRATSIYA MARKAZI" фаолият олиб бораётган экан.

Саид Исломуҳжа истиқомат қилган хоналарни кириб кўрганмишда ўша давр руҳига монанд сақланиб қолган нақшлар, мозийни эслатадиган лавҳалар эътиборни тортиди. Тепадаги нақшларнинг жозибadorлиги кишини ҳайратга солади. Асрлар оша ҳамки, нурамай келаётганлиги — икки қаватли бинонинг гоят пухта ва архитектура талабларига монанд қурилганлигидан дарак беради.

Биноларнинг олдидан бир пайтлар гулзорлар барқ уриб гуллаган майдончалари бугунги кунда янтоқзорга айлانганлиги кечирилмас ҳолатдир. Атрофига пишган ғиштлар терилган гулзорлар қовжираб, ҳеч нарса экилмасдан

САИД ИСЛОМУҲЖА ҚАРОРГОҲИ ВА САЁДХОННИНГ БОҒИ НЕГА ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА?

қолган. Қаровисиз бу ерларга гул, турли дарах-тарлар экилса, иморатларнинг янада файзли кўринишга эга бўлишини наҳотки ҳис қилмаймиз?

Тақлифимиз: мазкур тарихий обидалар ўз-ўзидан асрларга монанд ҳолда тазмирланиши, саёҳатчиларнинг келиши учун имконият яратилиши зарур! Саид Исломуҳжанинг ёзи қароргоҳи ҳамон сақланиб қолганлиги ҳақида ролик ва рекламалар қилинса, албатта, хорижлик саёҳатчиларнинг юртимизга ташрифи янада кўпайган бўларди.

Дарвоқе, мамлакатимиз иқдоркорлари иштирокида Хива хонлиги бош вазири Саид Исломуҳжа ҳақида фильм ишланганлиги рост. Аммо негадир бу фильм фақат "Ичонқалъа"да олинганлиги таажжубанарли... Ахир Хивада бош вазирнинг ёзи қароргоҳи ҳамда дам оладиган уйи бўлгани ҳолда, воқеалар фақат "Ичонқалъа"да бўлиб ўтиши бироз сунъийлик туғдирмайдимиз?

Агарда мазкур фильм ушбу тавбарук иморатларда олинганда, янада ишончлироқ ва табиийроқ яратилган бўлармиди...

Афсуски, гўзал Хива заминидан бугун фақатгина Саид Исломуҳжанинг ёзи қароргоҳи эмас, балки бошқа қадамжолар ҳам хароб аҳволга тушиб қолган. Ана шундай обидалардан бири Саёдхоннинг боғидир.

Дарвоқе, Саёдхоннинг боғи. Биз бу ҳақда нималарни биламиз? Хива шаҳар ҳокими-чи, бу жойларни обод қилишни уйлاديمкин? Қайдам. Агар шундай бўлганда... аҳвол айни пайтдагидек ачинарли ҳолатда бўлмас эди-ку! ..."Саёдхон ва Ҳамро" дostonини эшитмаган одам камдан-кам топилади. Машҳур санъаткор Комилжон Отаниёзов шундай қуйлапти: **Кел, болам, истарлар сени, Истагинг боғдадир боғда.** **Болам, қазонгни олаيين Истагинг боғдадир боғда...**

Мо мунаваердур юзи, Шакардин ширдиндир сўзи. Маматхон подшоҳнинг қизи Саёдхон боғдадир боғда.

Кўшиқ давом этаверади. Эшитгучи эса мусиқага мос тебраниб эшитаверади, эшитаверади. Қанийди, оҳанг тўхтамас. Кўшиқ тугамаса... дostonнинг охири бўлмаса...

Дарвоқе, хивалик, айтиқса, саёдлик маҳалла кексалари айтган эътирофлар — уларнинг болаларининг болаларидан эшитганлари ҳақиқат эканлигига ишонамиш. Хивада хонлик қилган Муҳаммадшоҳнинг "узуннинг суви"дек гўзал Саёдхон исмли қизи бўлган. Хон қизига атаб 40 гектардан зиёд майдонга турли-туман мевали дарахт кўчатларини экиб боғ қилган ва тўрт қаватли чодра ҳовли қурдирган. Бу ерда малика Саёдхон 40 нафар қанизақ қизлар билан бирга сайр қилишган, дам олишган.

Биз Хивага сафаримиз давомида машҳур "Саёдхон ва Ҳамро" дostonининг сеvикли қахрамони Саёдхоннинг боғига боришни ҳам иштиёр этдик. Боққа кириш учун ўша даврларда ўрнатилган дарвозага илиб қўйилган ёзувни қизиқиб билан ўқиймиз:

"CHODRA HOVLI. ARXITEKTURA YODGORLIGI. 1871-YIL DAVLAT MUHOFAZASIGA OLINGAN"

Баланд пахса деворлар билан ўралган боққа киришингиз билан кўзингиз чаппар уриб гуллаган меваларга тушади. Йўлак бўйлаб юриб келар экансиз, ўнг ва чап томонда янаб турган боғларнинг завқидан ҳаяжонланасиз... Боларилар гулларга кўниб, асал йиғишга улғуриб қолишга шошилмоқда, капалаклар гулларнинг ҳидига маст бўлиб қувлашмачоқ ўйнамоқда... Теварак-атроф шовқинлардан холи, соқин. Юриб келаварасиз... Йўлак адоғида, қаршин-гада қадимий архитектурага монанд қурилган, аммо хароба бир бинога тўқнашасиз. Ажабо, бу қандай бино бўлди? Атрофда одам зоти йўқ. Бино ичига кириб, ташқарисидан ҳам аянчлироқ манзарога кўз тушади. Хоналарнинг поллари, деразалари кўпориб ташланган, шифт томининг лойи оқиб тушган, ўша ёриқлардан ҳар ер-ҳар ерда қуёшнинг нурлари тўшиб турибди. Фақат тупроқ, кесаклар уюмига тўлган хоналар...

Ажабо, бир қараганда қадимий услубда қурилган бинойидек бино харобага айланаёзган.

Иморат қурилган пайтида унинг олди ва орқа томонига ёғчдан ишланган қадимий нақшинкор устунлар ўрнатилганлигиданми, ҳалиям жозибасини йўқотмаган...

Ерлик аҳолининг айтишига қараганда, бу бино 1969 йилда Саёдхон боғининг ишчилари учун дам олиш хонаси сифатида қурилган экан. Мазкур ҳудудда яшаётган кексалар бу бинонинг фойдаланишга топширилиш тантанасида машҳур санъаткор Уллубиби Бойжонова иштирок этганлигини ҳикоя қилишади. Гўзал хотираларни сақлаётган бино нима учун қаровисиз қолдирилган экан? Баъзи ерлик аҳолининг фикрларига кўра, ушбу бинони қайсидир тadbиркор сотиб олганини ёзи маҳаллий раҳбарларнинг эътиборсизлигини, хуллас, ташландиқ аҳволга келиб қолганлиги ачинарли.

Бинони айланиб ўтар эканмиз, тўрт қаватли нақшинкор чодрага кўзимиз тушади. Беихтиёр ўша томонга шошилиамиз.

Ажабо! Бу қандай гўзаллик бўлди? Бу кўшк, аслида, маҳоратли, тажрибали қурувчиларнинг маҳобатли ишларининг намунасидир. Неча асрларки, яшаб келаётган чодра. Саёдхоннинг кўшиги... Муҳаммадхон қизига бўлган меҳри ва ҳурмати рамази бўлган иморатни айланиб-айланиб томоша қиламан. Сўзлашга тил юзи, беқиеё гузалликдан ҳайратга тушаман. Асрларни кузатган гужумнинг соясига ташланган гиламчага чўқкалайман. Қарийб ярим соатлар ўтгач, узоқдан икки эркак киши кўринади.

— Ассалому алайкум... — Меҳмонни олиб келдим, — дейди хивача талаффуздаги киши. — Франциядан келибди. Саёдхоннинг боғини, Саёдхоннинг чодрасини қуришга қизиқибди...

Франциялик саёҳатчи йигит қўлини кўксига қўяди. Соф ўзбекча сўрашув. Даниэл тарихий жойларни томоша қилишни хуш кўрар экан. У чодра тепасига чиқмоқчи бўлади. Аммо эшикнинг қулфлоглик эканлигини билиб шашти қайтади. Архитектура ёдгорлигини айланиб-айланиб томоша қилади. Завқини яширолмайди. Табассум қилади. Эсдалик учун суратга олиб қўяман. Ним табасум билан яна қўлини кўксига қўйиб хайрлашган бўлади.



Ўзимча ўйлайман. Мана шу жойларни обод қилиб, музейга айлантиришнинг вақти келмаганимкан? Ёинки шу ҳудуддаги вайрона бинонинг қаровисиз қолдирилганлиги "Чодра ҳовли"ни кўришга келган саёҳатчиларнинг таъбини хира қилиши кундек аён эмасми? Нимага бунчалик бефарқмиз? Ана шундай фикрларга боғланиб, гужумлар соясидига гиламча устида анча ўтирдим.

Бир пайт узун бўйли, оқ сарикдан келган киши кўринди. Ушбу чодрага кўз-қулоқ бўлишни ўзининг инсонийлик бурчи деб биладиган, боғда экин-тикин қиладиган Ботир исмли ҳожи ота экан. Унинг зийрак нигоҳлари кўнглимдаги ўйларимни сезгандек бўлади:

— Юқорига, тепага чиқмоқчимисиз? — сўрайди ҳожи ота Чодранинг нақшинкор устунларига ишора қилиб. — Мумкин бўлса... — Ҳозир... Отахон шундай дея чўнтагидан қалит чиқариб, эшикка солинган қулфни очди.

Ичкарига кириб ҳайратим шошади... Биринчи қаватнинг зинаси тошдан, то тўртинчи қаватгача тахтадан қилинган нозик зиналар ёрдамида тепага кўтарилди. Ҳар қаватда 2-3 тадан хоналар мавжудки, аммо ҳаммаси таъмирга муҳтож...

Ниҳоят, чодранинг тўртинчи қаватига кўтарилдим. Атрофни кузатиш ҳам осон, ҳам қийин. Кўзингиз тиниб кетади... Нақшинкор устунлар нақшошларнинг маҳоратидан ва юксак иқтидоридан дарак беради. Фақат Хивага хос бўлган нақшинкор устун-ўралар моҳир нақшошларнинг игна билан қудуқ қазигани каби машаққатли меҳнатининг меваси, одамнинг завқини оширади.

Бир пайт... қандайдир нозик саслар эшитилгандек бўлади. Секин қулоқ тутаман. Ана, қизларнинг кулгиси жаранглаётир. Қирқ қанизақ. Уларга жавобан Саёдхоннинг-да нозли кулгиси эшитилади гўё. Хоннинг сеvimли қизининг гулгун чехраси бетакорор гўзаллиқни намойён этади. Ўта мафтункор ораз... қирқ ўрим сочлар... Маликанинг бошида хоразмча таҳаддупи. Дўппини айлантириб тикилган тангачалар ёнаётгандек кўринади. Шамчаларга қўшилиб дўппидаги товуснинг пати шамолда хилпирайди... Шу пайт Саёдхон ёнида қизлари билан қўшқа чиқиб келади. Ўзимни четга олмоқчи бўламан.

— Вой-эй, йиқилиб кетишимга бир баҳя қолди...

Буни ким айтди, ўзимми ёки қизларми?... Тахтадан нақшлар аралаш яратилган панжаралар тутиб қолади сояларни... Панжаралар узра паства бир тутам кокиллар эгилади, шивирлашлар эшитилади. Сўнг куй чалинади. Бир жарангли овоз келади:

Панжарадан мойил-мойил боққан ёр, Ёр, қора кўзларинг на тилар маннан? Ширин жоним ишк ўтина ёққан ёр, Ёр, қора кўзларинг на тилар маннан?

Ие, бу ким бўлди? Дарвоқе, Саёдхонга ошиқ бўлган йигит Ҳамронинг овозими? Бунча виқорли, бунча ўқтам овоз...

Йигитнинг таъриф таснифи тамом бўлиши билан Саёдхоннинг нозли кулгиси эшитилади...

Хаёлим, тушми, бир лаҳзада йўқолди. — Бу чодрада хоннинг қизи Саёдхон қирқ қанизи билан дам олган, боғда сайр қилган, — ҳожи отанинг овози хаёларимни тарқатиб юборди. — Бу чодранинг теварак-атрофи қўл бўлган. Шунангани чуқур қўл бўлганки, чодрага қайиқда келишган. Худди мана шу эшикнинг олдигача келган қайиқлар... — ҳожи ота босисидан эшитганларини ҳикоя қилади. Чўнки унинг отаси ҳам, бобоси ҳам шу боғда боғбон бўлишган. — Бу ердаги малика ва қанизақлар қаровчи йигитлар ҳам шу қизлардек бўлишган... Хон саройидаги табиблар йигитлар қизларга ёмонлик қилиб қўйишдан ҳадиксираб, улар орасида даҳшатли жарроҳликни амалга оширишган...

Негадир йиғлагим келади... — Мана бу эшикда арабча ёзилган сўз бор. Бу сўзни араб имлосини биладиганлар ўқиб олмадилар. Фақат кўп йиллар олдин Арабистондан келган бир олим ўқиди ва шундай деди: "Эшикдаги ёзувнинг маъносини шуки, бу ердаги қирқ қиз ва малика яшайдиган бу чодра кўзлардан наанада бўлган, қизлар ҳалол ҳолда сақланган деган маъзунни ўқиб муқим экан..." Эшик жуда қадимий. Мушқинкор. Неча асрларни қаритган. Арабча имлода ёзилган сўзни силба қўяман...

— Бу лойдан тикланган пахса деворларнинг эни икки ярим метрдан ҳам зиёда ҳолда қурилган, биринчи пахсани қўйишганда деворга уриладиган лойни от-аравада олиб чиққанлар. Аравалар девор устида бемалол юриб кетаверган. Шунинг учун ҳам қишда иссиқ, ёзда салқин бўлади. Чодранинг биринчи қаватидаги хоналарида мева-сабзавот маҳсулотларини сақлашган...

— Бироз таъмирла келиб қолбди... — Ҳа, ўғлим билан ўтган йили лойсувоқ қилган эдик... Савоб учун шу чодрага қараб турарман. Бўлмаса, аллақачон бузилиб кетган бўларди... Эгасиз бўлса, ҳеч нарса қолмайди...

Хоразмнинг миллий дарахти саналган 40 та гужум ерга тангадек қуёш нурини туширмайди. Гужумларнинг барглари майин экиндида хилпирайди...

Гул экиш учун мўлжалланган, қафтдек кичик-кичик гулзорларга қараб фикр қиламан. — Бу ерларга гуллар экиб қўйилса, анави харобага айланиб қолган иморат тазмирланса, сайёҳларнинг қадами узилмас эди, — дейман. — Албатта, — фикримга қўшилиб отахон. — Турмушу ўртоғим ҳар йили чиройли гуллар экади...

— Бу чодрани тиклаш пайтида пахса қуриладиган девор тагига қум тўшалган ва устидан тоғлардан келтирилган йирик-йирик тошлар ўрнатилганидан сўнг лойдан пахса девор урилган. Шунанга мустаҳкам қилиб қурилган бу чодра...

Отахон ҳикоя қилаверади. Хаёлимда ўтмиш жонланади...

Мақолаимиз сўнгидега мамлакатимизда маданият, тарихий обидаларга масъул идоралар ва Хоразм вилоят ҳокимлиги амалдорларига тақлифимиз ушбу: Хива хонлиги даврида бош вазир бўлган Саид Исломуҳжа қароргоҳи ва Саёдхоннинг чодраси гўзал ҳолда тазмирланиши шарт! Франциядек давлатнинг фуқаросини қизиқтирган бу қадамжолар бошқа минглаб сайёҳларни ҳам жалб этиши мумкин. Қолаверса, нафақат сайёҳлар, ўз халқимиз, ёшларимизнинг ҳам сеvimли қадамжосига айланиши керак бўлган бу жойлар нима учун хозирги кунга қадар эътибордан четда, қаровисиз ҳолда қолмоқда? Бундай бўлмаслиги учун эса масъуллар ўз вазифаларига сидқидилдан, виждонан ёндашишлари шарт ва зарур!

Хивада фақат "Ичонқалъа" билан қифояланиб қолаётган сайёҳларга Хива хонлиги бош вазири Исломуҳжанинг қароргоҳини, Саёдхоннинг боғи ва чодрасини ҳам кўрсатиш кераклигини унутмаслик зарур.

Зеро, сайёҳликни йўлга қўйиш — мамлакат тараққиёти янада ривожлантиради.

Феруза ТАНҒРИБЕРГАНОВА, "Hurriyat" муҳбири.

СУРХОНДАРЁ ЁРУҒ ЎЗГАРИШЛАРГА ЮЗ ТУТМОҚДА

Сурхондарё вилояти ҳокими Улуғбек Бердиқобилович ҚОСИМОВ билан суҳбат

1-6

— **Жуда тўғри таъкид- ладингиз, Президентимиз томонидан Янги Ўзбекистонни юксалтириш асно- сида Сурхон юртини ҳам янада ривожланти- риб, Сурхон халқини турмуши янада фара- ровонлаштириш мақсадида кейинги йилларда давлатимиз газнасидан жуда катта-катта маблағлар ажратилаётганидан хабардормиз. Ана шу борадаги амалга оширилаётган ама- лий ишлар ҳақида тўхталиб ўтсангиз.**

— Боя айтиб ўтганимдек, фаолиятимнинг илк кунлариданоқ ижтимоий соҳага алоҳида эътибор қаратган ҳолда ҳудудларда бочка, мактаб, мада- ният уйлари ва шифохоналарга бирма-бир кириб чиққанимда, таълим муассасалари ва шифохона- ларда зарур шaroитларни яратиш борасида бир қатор муаммоларни ҳал қилиш лозимлигига шах- сан гувоҳ бўлдим.

Айтилик, мактабларда парта етишмаслиги, боғчаларда иситиш тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш, аҳолига тезкор тиббий хизмат курсатишда замонавий транспорт воситалари бўлиши ва уларга талаб қўрилиши, маданият муассасалари узоқ вақтлардан буён эътибордан четда қолаёт- ганлиги, спорт объектиларининг ачинариги ҳолатга келиб қолганини кўриб, ушбу муаммоли маса- лаларни ечиш борасида алоҳида тизимли ишлар ташкил этилди ва ана шу масалалар кейинги уч йил давомида тубдан ижобий томонга ўзгартири- лишига эришилди. Шубҳасиз, бундай катта имо- ниятлар бевосита Давлатимиз раҳбарининг эъти- бори, қўллаб-қувватловлари тўғрисида амалга оши- рилди. Айниқса, охириги бир-икки йил давомида вилоятда том маънода қурилиш, бунёдкорлик, ободонлаштириш ва кўчалар тўзатиш ишлари бўлди, десак, адашмаган бўламиз.

Хусусан, кейинги бир йил давомида вилоятда жами 1823 та объектда қурилиш ишлари учун рес- публика ва маҳаллий бюджетдан жами 2,6 трлн сўм маблағ ажратилди (2022 йилда 258 та объект- га 1,8 трлн сўм берилган. Ушбу 144 фоиз).

Қурилиш ишлари олиб борилган объектлар сони ҳам олдинги йиллардагига нисбатан 7 ба- равор кўп бўлиб, шундан қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилган ижтимоий соҳа объекти- ларининг ўзи ҳам охириги 3 йилда амалга оширилган- дан ортқини ташкил этади.

Агарда ўтган 2023 йил якуни билан ялпи ҳу- дудий маҳсулот ҳажмини келтирадиган бўлсак, бу кўрсаткич 2022 йилга нисбатан 104,4 фоизга ўсиб, 40,9 трлн сўмни ташкил этди. Аҳоли жон бо- шига ялпи-ҳудудий маҳсулот ҳажми эса 14,4 мил- лион сўмга етказилди, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 102 фоизга ўсиши таъминланди.

Ўтган йили 438 миллион АҚШ доллар ҳажмида хорижий сармояларни ўзлаштириш белгилан- ган эди, амалда эса 461 миллион долларни таш- кил этди. Бу борада режа ижроси 105 фоизга ў- даланди. Давлат инвестиция дастури доирасида қиймати 503 миллион долларлик 17 та йирик ло- йҳа ишга туширилиб, айнан шу орқали 900 га яқин янги иш ўринлари яратилди.

Мисол учун, Бойсун туманида “PRB INVESTMENT CO” хорижий кўшма корхонасининг қиймати 19 млн доллар бўлган қуввати 22 миң тонна цемент ишлаб чиқариш лойиҳаси ишга ту- ширилди.

Аҳолининг электр энергия билан таъминлаш учун Тўпалаган ГЭС модернизация қилинди. Зарбоб-2 ГЭС ҳамда Шеробод туманида Саудия Арабистон- ининг Масдар компанияси томонидан илгилга 500 МВт фото электростанцияси ишга тушди.

Жорий йил давомида эса 802 млн долларлик хорижий инвестициялар ўзлаштирилди (2023 йилга нисбатан ўсиш даражаси 174 фоизни таш- кил этади).

Сариосиё, Ангор ва Жарқўрган туманларида 2 330 МВт электр энергия ишлаб чиқариш корхона- лари ташкил этиш ишлари амалга оширилмоқда.

30 дан зиёд йирик лойиҳалар бўйича ишлар бо- шланган бўлиб, уларнинг аксарияти, насиб бўлса, жорий йилда ишга тушади.

Хусусан, Бойсун туманида “Мустақилликнинг 25 йиллиги” газ заводи ишга туширилди. Банди- хон, Қумқўрган ва Денов туманларида пахтани чуқур қайта ишлаш корхоналари ташкил этилди, Шеробод, Бойсун, Олтинсой, Денов ва Узун туман- лари тоғли ҳудудларида 30 дан ошқ конларни ў- злаштириш ҳисобига кўмир, мис, калий ва бошқа кўндалма маҳсулотлар казиб олинди, уларни қайта ишлаш корхоналари ташкил этилди.

Умуман, бу масала алоҳида назоратга олинган бўлиб, ҳали вилоятимизда ўрганилмаган ҳамда фойдаланилмаётган конларимиз захираси анча- лиги — бу борада салоҳиятимиз юқорилигидан далолатдир.

Ҳурматли Президентимиз раҳбарлигида олиб борилаётган изчил ишловлар натижасида аҳоли муаммоларини ҳал этиш, тадбиркорликни ривож- лантириш ва фуқароларнинг турмуш даражасини юксалтириш бўйича амалга оширилаётган кат- та-катта лойиҳаларимиз кам эмас.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, ўт- ган 2023 йил юртимизда сурхондарёликлар йили бўлди, десак, адашмаган бўламиз.

Хусусан, ўтган бир йил давомида Давлатимиз раҳбари вилоятимизга 3 марта ташриф буюриб, аҳолимизнинг йиллар давомида тўпланиб қолган кўндалма муаммоларини ҳал қилиб бердилар.


Амалга оширилган ишлар бўйича ҳам қисқача тўхталиб ўтсам.

Бу жараёнда аҳолининг асосий муаммолари ҳисобланган йўл, ичимлик суви, электр энергия таъминоти масалаларига алоҳида эътибор қарати- лди.

Жумладан, 484 км автомобиль йўллари ас- фальт қилинди, 1 200 км тупроқ йўللарга тош ётқизилди ва 14 та кўприк таъмирланди. 2022 йил билан солиштирадиган бўлса, биргина йўл бў- йича 3 баробар кўп ишлар амалга оширилди.

Ўтган йили қиш ойларида электр энергиядаги муаммоларни ҳисобга олиб, электр таъминотини яхшилашга катта эътибор қаратдик.

Жумладан, 823 км электр тармоғи тортилди, 376 та янги трансформатор ўрнатилди, 2040 км



электр узатиш тармоқлари ва 580 дона трансфор- матор мукаммал таъмирланди.

Лекин бу борада ҳали муаммоларимиз кўп: ви- лоят бўйича 2,2 миңта (34 фоиз) трансформатор таъмирталаб, 317 миңта устундан 152 миңтаси (48 фоиз) ёғоч устунлар бўлиб, шундан 46 миңтаси (15 фоиз) яроқсиз ҳолатга келиб қолган.

Ичимлик суви таъминотини яхшилаш учун Юртбошимиз томонидан 16 ноябрь кунини Тўполанг лойиҳаси доирасида 1-босқичга старт берилди, 4 та туманининг 1 млн га яқин аҳолиси тоза ичимлик суви билан таъминланди.

Бу ишларни давом эттириш учун ҳурматли Президентимиз зарур маблағлар ажратдилар, 2024 йил якунигача тоза ичимлик сувини Термиз шаҳрига қадар етказиб бериш чоралари кўри- лмоқда.

Бундан ташқари, давлат дастури доирасида жами 1200 км тармоқ тортилди ва 174 та ичимлик суви иншооти қурилди.

Натижада, 32 та маҳалладаги 58 миң аҳоли илк бор шаффоф ичимлик суви билан таъмин- ланди, 272 та маҳалладаги 390 миң аҳолининг сув таъминоти яхшиланди.

Аҳолининг уй-йойига бўлган эҳтиёжини қонди- риш учун 2023 йилда 88 та (шундан “Янги Ўзбекис- тон” массивларида 49 та) кўп қаватли уйлар қу- рилди ва 3400 та оила янги уй-йойга бўлди. 2000 нафар фуқарога янги ижтимоий субсидиялари ажрати- лди.

Термиз шаҳрининг 37 та маҳалласида ободон- лаштириш ва туманлар марказини замонавий кўринишга келтириш бўйича ишлар амалга оши- рилди.

4 та маҳаллада, хусусан, Бойсун туманидаги “Дубо”, Шўрчи туманидаги “Хушчекка”, Музра- бот туманидаги “Боғи эрам” ва Узун туманидаги “Янгийўл” маҳалларида “Обод хонадон”, “Обод кўча” ва “Обод маҳалла” мезонларини жорий этиш ишлари амалга оширилиб, 18 миңга яқин аҳоли учун шaroитлар яхшиланиб, 43 та ижтимоий ва аҳолига хизмат кўрсатиш объекти фойдала- нишга топширилди.

2024 йилда ҳам бу масалаларга алоҳида эъ- тибор қаратилмақда. 175 та аҳоли пунктида 470,4 км ичимлик сув тармоқлари тортилди, 3 та ичим- лик сув сақлаш иншооти қурилади, 1,4 миң км 27 та автомобил йўллари ва 10 та кўприк таъмир- ланади;

8400 км электр узатиш тармоқлари ва 2150 дона трансформатор пунктлари таъмирланади.

Аҳолининг уй-йойига бўлган эҳтиёжини қонди- риш мақсадида 6700 хонадонга эга 153 та кўп қа- ватли уй қурилади.

Бундан ташқари, жорий йилда ҳар бир туман- дан 5 тадан шaroити оғир маҳаллалар танлаб олиниб, ободонлаштириш ишлари бошланди, ўзи- нинг биносига эга бўлмаган 100 та маҳаллага янги бинолар қуриш бўйича ишлар бошлаб юборилди.

Муҳтарам Президентимиз томонидан вилоят- тимизга алоҳида эътибор қаратилиб, ижтимоий соҳа ва инфратузилмани яхшилаш учун қарийб 200 млн доллар маблағ ажратиб бўйича қарор қа- бул қилинди. Хусусан, “Урта шаҳарларни комплекс ривожлантириш” лойиҳаси доирасида Жарқўрган, Қумқўрган, Шўрчи, Денов, Сариосиё, Узун, Бойсун туманига Жаҳон банкидан 100 млн доллар ажрати- лди.

Бунинг ҳисобига: — 331 км ичимлик сув тармоғи ва 6 та иншоот қурилади ҳамда 4 та ичимлик суви сифатини на- зорат қилиш бўйича лабораториялар ташкил эти- лади;

— 100 км оқова сув тармоқлари ва 9 та иншоот янгидан бунёд этилади;

— 56 та махсус техника етказиб берилди;

— 320 км йўл таъмирланади, 45 км пивдалар йўлакларни қурилади ва таъмирланади, 1,4 миңта кўча ёритиш тизимлари ўрнатилди.

“Қишлоқ жойларни барқарор ривожлантириш” лойиҳаси доирасида эса Ислон тараққиёт банки- нинг 97 млн доллар маблағи ҳисобидан Шеробод, Музрабоб, Ангор, Бойсун ва Термиз туманлари- даги 60 та маҳалла комплекс ривожлантирилди.

Аҳолига кўрсатилаётган тез ёрдам хизматини яхшилаш учун 90 та янги замонавий автомашина олиб келинди.

Тиббиёт муассасаларини жиҳозлаш учун Дав- латимиз раҳбари томонидан 50 млрд сўм маблағ ажратилиб, вилоятга замонавий тиббий жиҳозлар олиб келинмоқда.

Бундан ташқари, тиббиётнинг бирламчи бўғи- нини ривожлантириш учун алоҳида эътибор қарати- либ, Ангор туманида таъмирлаш сифатида патро- наж тизими жорий этилди. Бу тизим вилоятнинг бошқа туманларида ҳам йўлга қўйилмоқда.

Бунинг учун вақтинча ишламай турган 44 та ои- лавий поликлиникани таъмирлаш ишлари бош- ланди.

Ёшларни қўллаб-қувватлаш бўйича “Ёшлар дафтари”га киритилган 28,1 миң нафар ёшларга турли ёрдам кўрсатилди, 17 миңга яқин ишсиз

ёшлар ва 21 миңга яқин мактаб битирувчилари- нинг бандлиги таъминланди.

Маълумки, Янги Ўзбекистонда 2024 йил “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили” деб эълон қилинди.

Ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш мақсадида Термиз шаҳрида “Ёшлар кичик саноат зонаси” ташкил этилди ва бошқа туманларда ҳам бундай зоналар босқичма-босқич ташкил этилади.

Яна Президентимизнинг алоҳида қарори билан вилоятда ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш учун 40 млн доллар миқдорда имтиёзли кредит ресурслари ажратилди.

Тошкентдан катта тадбиркорларни тақдир- латиб, ёшларга бизнесни юртиш бўйича ўз тажри- балари бўйича бизнес-форум ўтказдик.

— **Президентимиз маънавият ва маъри- фат соҳасидаги ишларни қўллаб-қувватлаш мақсадида мамлакатимизда “Маънавият сек- торини” фаолиятини Сурхондарё вилояти тажри- басида бошлаш ҳақида ташаббус қилди- лар. Бунинг сабаби нимада деб ўйлайсиз?**

— Дарҳақиқат, Президентимиз ўтган йил- нинг 16-17 ноябрь кунлари вилоятимизга қилган ташриф довомида вилоятимиз таърибаси мисо- лда “Маънавият сектори”ни ташкил этиш топши- ригини берган эдилар. Бу биринчи навбатда Сур- хон элига, унинг маърифатли халқига, зиёлила- рига бўлган эътибори ва ишончи тўғрисида. Бу ҳақда Давлатимиз раҳбари ўтган йили 22 декабрь кунини пойтахтимизда бўлиб ўтган Республика Маъ- навият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида ҳам алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Не- гаки, ҳозирги долғали даврда аҳолининг маънавий даражасини янада ошириш, айниқса, ёшларнинг онгу тафаккурини ўстириш хусусида сўз юритиб, “Бугун маънавият бошқа соҳалардан ўн қадам олдинда юриши керак, маънавият янги кучга, янги ҳаракатга айланиши шарт!” дея таъкидлаб ўтдилар.

Чунки бугунги глобаллашув шaroитида маъна- вий, маърифат, таълим-тарбия, илм-фан ютуқла- рисиз юксак чўққиларни забт этиб бўлмайди.

Аждодларимиз ҳам беҳиз таълим ва тарби- янинг энг муҳим омилли сифатида маънавият ва маърифатга алоҳида аҳамият беришмаган. Маъ- навиятнинг авлод ҳеч қачон ёт юзларга оғишиб, ўз Ватанидан, ўзгилардан кечмайди.

Аҳоли, хусусан, ёшлар ўртасида содир этила- ётган жиноятларнинг ижтимоий моҳиятини таҳлил қиладиган бўлса, уларнинг аксарияти маънавий қашшоқлик оқибатида юзага келаётганлигига гу- воҳ бўламиз.

Инсон онгида юзага келаётган маънавий кемтикликни иқтисодий йўл билан тўлдириб бўл- майди. Шундай экан, маънавият оқсаса, жамият таназзулга юз тутайди.

Ёшлар тарбияси ўта мураккаб ва масъулиятли, шу билан бирга, натижаси аниқ иш бўлиб, бу ҳар бир ота-онани ўз устида мунтазам ишлашни, фарзандлар тарбиясига оид барча маълумотдан бохабар бўлишни талаб этади. Тарбия ўз-ўзидан бўлиб кетаверадиган иш эмас. Айниқса, ҳозирги глобаллашув даврида ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Шунинг учун ҳам Давлатимиз раҳбари ёшлар тарбияси, инсон капиталини ривожлантириш, маҳаллада аҳоли ўртасида мунтазам тарбиятни йўлга қўйиш, маънавий-маърифий ишларни ти- зимли амалга ошириш зарурлигини таъкидлаб, Термизийлардек буюк алломаларга бешик бўл- ган кўча заминда “Маънавият сектори”ни ташкил этишда Сурхондарё таърибасини яратиш зару- рлиги бўйича топширик бердилар.

“Маънавият сектори”нинг асосий вазифаси шаҳар ва туманлар, ҳудудларнинг ижтимоий-маъ- навий муҳитини таъминлаш бўлиб, бу борада те- гишли маҳаллий давлат ҳокимияти органининг кў- маклашувчи коллегии ишчи тузилмаси ҳамда ҳу- дудий Маънавият ва маърифат кенгашиларнинг Ишчи органи ҳисобланади.

Аниқроқ айтганда, ушбу сектор оила, таъ- лим ташкилотлари ва маҳаллаларда маънавий тарбиянинг ўзгиллигини таъминлаш, шу асосда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини мус- таҳкамлашга қаратилган доимий мониторинг ти- зимини юртайди.

Шунингдек, эл-юрт тақдирига лоқайдлик, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, коррупция, ои- лавий кадрларга бепасандлик ва ёшлар тарби- ясига масъулиятсиз ёндашиш каби иллатларга барҳам беришга қаратилган комплекс чора-тад- бирларни амалга оширади.

Таълим муассасалари, маҳалла, ташкилот ва идораларнинг маънавий-маърифий йўналишдаги фаолиятини мувофиқлаштириш билан бирга, миллий манфаатларимизга, ҳаёт тарзимизга эид бўлган ёт гоълар ҳамда дабдабаозлик, маънисиз расм-русумлар ва урф-одатларга қарши курашиш ташаббусларини илгари суради.

Бир сўз билан айтганда, бу каби саъй-ҳара- катлар маънавий таҳдидларнинг моҳиятини, аҳо- лининг турли қатламларига таъсирини ўрганиш

ҳамда тушунтириш ишларини амалга оширишга хизмат қилади.

— **Улуғбек Бердиқобилович, вилоятда иш- сизлик масаласи энг оғир муаммолардан бири ҳисобланиши сиз эмас. Бу борадаги муаммо- ларни ижобий томонга яхшилаш мақсадида қандай амалий қадамлар ташланмоқда?**

— Рост, ишсизлик масаласи катта муаммо. Бу нафракат Сурхондарё вилоятида ёки мамлаката- мида, балки дунёнинг барча юртига ҳам те- гишли долзарб муаммолардан бири десак хато бўлмайди. Аммо биз биринчи навбатда ўзимиз- нинг ана шу борадаги масалаларни имкон қадар ва тобора ижобий ҳал қилиш учун барча зарур чо- ра-тадбирларни ишга солишга ҳаракат қилаёلمиз, десак, ишонаверинг. Шубҳасиз, бу масалада Пре- зидентимизнинг, айниқса, жорий йил 9 январь кунини қабул қилинган “2024 йилда янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигига кўмаклашиш дастури тўғрисида”ги ПҚ-7-сонли қарори дастури- ламал бўлмоқда. Унга кўра жорий йилда вилоят бўйича 377 миң 714 нафар аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича МФЙлар қесимида режалар ишлаб чиқилган. Шунингдек, 152 200 нафар ки- шини тадбиркорликка жалб қилиш бўйича мавжуд имконият ва дастур доирасида тақдим этилаёт- ган молиявий манбалар ишга солинади. Узини-ўзи банд қилган шахсларни қўллаб-қувватлаш мақса- дида “Бизнесга биринчи қадам” лойиҳаси асосида банк-пластик карталари орқали ҳар бир эҳтиёж- манда 5 миллион сўмгача имтиёзли кредит бериш ва жами шу йўлда 75 миллиард сўм микрокредит- лар ажратиш режалаштирилди. Ҳозирги кунгача тижорат банклари томонидан 3 миң нафарга яқин фуқароларимизга ана шу асосда 17 миллиард 250 миллион сўмдан зиёд кредит маблағлари ажратиб берилди. Аҳолини иш билан таъминлаш бўйича ҳудудларда касаначилик фаолиятини янада кен- гайтириш, аҳолига хизмат соҳасини ривожланти- риш, деҳқон хўжалиги учун ижарага узоқ муддатга ер опан аҳолини кооперативларга бирлаштириш ва агрегатор тизимини йўлга қўйиш, бўш бино-ин- шоотлар ва ер майдонларидан самарали фойда- ланишни йўлга қўйиш, энг муҳими, иш ўринлари ҳисоботини доимий юритиш, норасмий иш ўрин- лари ва тадбиркорларни солиқ базасига киритиш, яширин иқтисодийни камайитришга алоҳида эъ- тибор қаратиш, тадбиркорларни қозғоғда эмас, амалда қўллаш ва бошқа зарурий чора-тадбирлар қўрилмоқда.

Тўғри таъкидладингиз, ишсизлик масаласи, аҳо- лининг меҳнатга лаёқатли қисмини иш билан тўлиқ таъминлаш масаласи жуда муҳим ва оғир муаммо. Лекин ҳар бир инсон ишли бўлишга ҳақли. Бизнинг гардишимизда эса ана шу муаммони йилдан-йилга камайитириш, ечиш масаласи турибди.

— **Умуман, сизни раҳбар сифатида вило- ятдаги яна қачон муаммолар кўпроқ банд этапти? Уларнинг ечимлари нималарга боғ- лиқ?**

— Вилоят аҳолисини қийнайдиган ҳар қандай муаммо — биринчи галда менинг муаммомдир. Эҳтимол, бу бир баландарвоз гапдек туюлар. Аммо чиндан ҳам шундай деб ҳисоблайман. Узоқ йиллар давомида Сурхондарё халқи тоза ичим- лик суви билан таъминланмагани учун қийнаиб келди. Лекин юқориде айтганимдек, Президенти- миз Шавкат Мирзиёевнинг шахсий иродаси тў-ғрисида бу муаммога ечим топиб берилди. Биринчи навбатда аҳолининг ижтимоий муаммолари: иш- сиз одамларни иш билан таъминлаш, тиббиётга оид масалалар, таълим-тарбия, йўллар масаласи ёҳуд саноат ва қишлоқ хўжалигидаги энг оғир ма- салаларни айтганимиз? Бугун экологик масала- лар ҳам ҳар қачонгидан устувор аҳамиятга эга. Бу- ларнинг ҳар бири билан ҳар кун, ҳар доим шугулла- нишга тўғри келади. Қолаверса, Президентимиз томонидан, ҳукуматимиз томонидан қўйилаётган ҳар бир масала, топширик ва қабул қилинаётган фармон ва қарорлар ижросини таъминлаш бу му- аммо эмас, балки бизга юқлатилган юксак масъу- лият, ишонч десам бўлади. Афсуски, узоқ йиллар давомида Сурхондарё вилояти бу масалаларда анча эътибордан четда бўлиб келган эди. Гарчи бу заминда жуда катта имкониятлар, салоҳият, энг муҳими, мард ва танти, меҳнаткаш одамлар яшаса-да, турли сабаблар рўқаб қилиниб, йирик лойиҳаларнинг амалга татбиқ этилишига имко- ният берилмаган. Ўйлаб кўрилса, бундан 7-8 йил аввалги даврда ўтган йилгига йилда ҳам воҳада даярли кўзга кўринарли саноат корхонаси бунёд этилмаган. Вилоят фақат қишлоқ хўжалигига ик- тиссоллашган аграр вилоят бўлиб қолаверган. Бу- гун эса Россия, Германия, Австрия, Хитой каби ривожланган давлатлар билан ҳамкорликда янги- дан-янги лойиҳалар амалга оширилмоқда. Аввал- лари ўйлаб топилган баҳона “Сурхондарё чегара ҳудудда жойлашган” деган “айб” бўлган. Қизиқ, ин- вестицияни ривожлантиришга ҳалақат беришга чегара ҳудуднинг нима алоқаси бор экан? Ак- сина, бир қанча мамлакатлар билан чегара ҳу- дудда бўлиш, аслида, имконият эшикларини ҳам очиб бериши мумкин-ку. Бу им- коният Шавкат Мирзиёев Давлат раҳбари бўлгандан кейингина Сурхондарёга насиб этди. Ўтган етти йил давомида Янги Ўзбекистонда Сур- хондарё ёруғ ўзгаришларга юз тутди. Лекин ҳали қиладиган ишлар жуда кўп.

— **Вилоятда асосан миллий кураш, бокс, шахмат сингади спорт турлари ривожлан- ган. Буни спортнинг ушбу турларида эриши- лётган натижалар ҳам айтиб туришимиз. Бирок назаримизда, футбол бўйича сурхондарё- ликлар бугун мақтана олмайдилар. Бир замонлар анча машҳур бўлган “Сурхон” клубининг бу- гунги даражаси ва эртаси ҳақида ўйлаб кўри- дингизми?**

— Айтиш жоизки, ўзбек футболни ривожда Сурхондарё вилоятининг ҳам ўз ўрни бор. Сурхон воҳасидан етишиб чиққан таниқли футболчилар ўз даврида мамлакатимизнинг етакчи клубларида тўп суришган. Жумладан, Равшан Бозоров, Бах- тий Бозоров, Алишер Бозоров, Абдураҳим Таи- ров, Масъуд Таиров, Отабек Шомуродов, Илхом Шомуродовлар ўз вақтида Ўзбекистон чемпионат- ларига тўп суриб, ўзбек футболни ривожига ўз ҳис-

сасини қўшган.

Бугунги кунда Италиянинг “Кальяри” клубида тўп сураётган Элдор Шомуродов кўрсатаётган ёрқин ўйинлар мамлакатимизнинг, миллилатимиз- нинг барча мухлисларини бирдек хурсанд қилиб келмоқда.

Афсуски, Сурхондарё салкам 15 йил давомида катта футболдан узоқда қолиб кетган эди. “Сур- хон” жамоаси сўнгги бора 2005 йили Ўзбекистон чемпионати Олий лигасида иштирок этган ва мо- лиявий қийинчиликлар сабаб, мусобақаларни тарк этган.

2019 ва 2023 йиллари “Сурхон” жамоаси Ўз- бекистон Суперлигаси баҳсларида иштирок этиб, ўз тарихида илк бора фахрли 6-ўринни қўлга ки- ритди. Бундан бутун Сурхондарё халқи хурсанд бўлди.

2022 йили Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан “Сурхон” футбол клуби бош ҳомиеси этиб “Эриел” компанияси тайинланди. Ушбу компания раҳбари Бахтиёр Шухратович Фозиллов ва Сурхондарё вилояти ҳо- кимлиги билан ҳамкорликда ҳозирги пайтда вило- ятимизда спортнинг футбол турига жуда катта эъ- тибор қаратилмоқда.

Жаҳон футболда яхши ва сифатли футбол — бу, албатта, биринчи навбатда сифатли ўйин май- донини талаб қилади. Икитдорли футболчилари- миз эса кам эмас. Шу боис, “Сурхон” футбол клуби уй учрашувларини ўтказадиган “Сурхон” арена ўйингоҳини ОФК талабига жавоб берадиган бир қатор ишларни амалга

ДИКҚАТ, ЭЪЛОН!



Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси интернет нашрлари ижодкорлари ҳамда ижтимоий тармоқ фаоллари учун “ЭНГ ЯХШИ МИЛЛИЙ КОНТЕНТ” танловини эълон қилади.

ТАНЛОВ ҚУЙДАГИ НОМИНАЦИЯЛАР БЎЙИЧА ЎТКАЗИЛАДИ:

ИНТЕРНЕТ ЖУРНАЛИСТИКАСИ БЎЙИЧА:

1. “Китобхонлик тарғиботида бағишланган энг яхши материаллар учун”
2. “Ёшлар маънавиятини юксалтиришга қаратилган энг яхши материаллар учун”
3. “Интернет тармоғида эълон қилинган энг яхши миллий контент учун”
4. “Жадидлар ҳақидаги энг яхши материаллар учун”

ИЖТИМОЙ ТАРМОҚ ФАОЛЛАРИ УЧУН:

1. “Болаларни китобхонликка қизиқтирган блог-постлари учун”
2. “Ижтимоий тармоқларда ёшлар тарбиясига оид эълон қилинган материаллари учун”
3. “Миллий урф-одат ва анъаналаримиз акс этган энг яхши материаллар учун”
4. “Facebook” ижтимоий тармоғида миллий контентни кўпайтиришга қўшган ҳиссаси учун”
(Ҳакамлар ҳайъати аъзолари таклифи билан ушбу номинациялар номи ўзгариши мумкин)

Ҳар бир номинация бўйича бир нафар ғолиб аниқланади.

Танлов ғолибларининг ҳар бири 10 млн сўм пул мукофоти ва диплом-плакетка билан тақдирланади.

Танловга 2024 йил 1 январдан 1 сентябргача бўлган даврда миллий манфаатларимизни кўзлаган тарзда юртимиз ва дунёда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга ҳолис баҳо берилган материаллар яратишни кўпайтиришга ҳисса қўшаётган, Янги Ўзбекистон руҳига мос янги-янги тафаккур тарзини шакллантириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш орқали уларнинг онгу тафаккурини юксалтиришга хизмат қилувчи миллий контент яратётган электрон

оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий тармоқ фаолларининг ушбу йўналишида матн, аудио, видео кўринишида эълон қилган материаллари (ҳавола шаклида) жорий йилнинг 5 сентябргача Уюшманинг 99-466-10-25 рақамига очилган “Ўзбекистон журналистлар уюшмаси” телеграми орқали қабул қилинади.

Танловга тақдим этиладиган журналистик материаллар сони бештадан кам, еттидан кўп бўлмаслиги керак.

Эслатиб ўтамиз, ғолиблар интернет нашрлари учун алоҳида, ижтимоий тармоқ фаоллари учун алоҳида йўналишлар бўйича аниқланади.

Танловга тақдим этилган ижтимоий ишларга қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим:

- муаллиф ҳақида қисқача маълумот (объективка);
- муаллифнинг паспорти ёки ID-карта нусхаси;
- муаллифнинг телефон рақами, яшаш манзили.

Танлов ғолибларини тақдирлаш маросими жорий йилнинг сентябрь ойида пойтахтимизда тантанали равишда ўтказилади.

Мурожаат учун телефонлар:

71-244-37-87,
71-244-64-62.

ЎЙЛАБ КЎРИНГ

Одам кўшганга совға бериладими?

Бугун ижтимоий тармоқларда турли гуруҳлар кўпайгандан-кўпайган. Шундай гуруҳларнинг айримларида кузатувчилар, обуначилар сонини ошириш мақсадида ҳар хил совғалар кўйилган. Яқинда жияним бир гуруҳга айтилган одамларни кўшган экан. Аммо улар ваъда қилган телефонни беришмабди. Талаб қилиб ёзган экан, гуруҳдан чиқариб юборишибди.

Telegramда “UZUM MARKET UZ 85 K” номли гуруҳга кимдир мени ҳам кўшган экан. Унда 120 та одам контактини кўшганга газ плитаси, смартфон, телефонлар берилиши ёзилган. Ҳаттоки гуруҳ админи “Одам кўшган барчага телефонлар етиб борапти. Бу мижозимиз 2 та телефон ютиб олдилар. Табриклаймиз. ОДАМ КЎШИШДА ДАВОМ ЭТИНГ. Шошилиглар! Ҳаммага омад!”, дея ёзишдан эринмайди.

“KURTKA AKSIYA” номли гуруҳдаги телефонлар тагидаги куйидаги ёзуви ўқиб қолдим: “...А 72 телефонлар келди 30 та одам кўшиб ютиб олинг шошилиамиз дўстлар, совғалар сони 80 та қолди, одам кўшиб, админга ёзинг”.


30 та одам кўшиб телефонли бўлиш ҳеч ҳам мантиққа тўғри келмайди. Ишламасдан, пул тўламасдан гуруҳдагилар айтган одамларнинг контактларини кўшиб, телефон ёки бошқа қимматбаҳо совға олиш мумкинми?

Айрим юристларнинг гуруҳида эса саволларингизга жавоб олишни истасангиз, одам кўшишни талаб қилишди. Айтилган одамларнинг контактини кўшсангиз, гуруҳ админи тан олмасдан яна кўшинг, дея талаб қилади. Шунда эътироз билдириб ёзсангиз, сизни гуруҳдан чиқариб юборишади.

Энг ёмони, айримлар совғалар, мукофотларни деб таяини йўқ, фақат вақтни беҳудага совурадиган ҳар хил гуруҳларга, баъзида фақат физку фасод ва бузғунчи ғояларни тарғиб қиладиган гуруҳларга кўшилиб қолаётганини билмай қолишмоқда. Билмасдан жиноятга аралашиб қолиш айбисизлик ҳисобланмайди. Шундай экан, интернет, ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш маданиятини ҳам билиш керак.

Кўпчилики алдаб, норози қилиб гуруҳлари обуначиларини кўпайтиратганларнинг аксариятида эса инсоф йўқ. Ахир осонлик билан бирор нимага эришиб бўлмайди. Бунинг учун фақат ҳалол меҳнат қилиш даркор.

Хонбийи ҚИММАТ қизи,
журналист.



ЯНГИ КИТОБ

“ҲОРАЗМ ЖАДИДЧИЛИК ҲАРАКАТИ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ” НАШРДАН ЧИҚДИ

Маълумки, энциклопедия муайян тизимга солинган кенг қамровли билимлар тўплами, илмий ёки илмий-оммабоп нашрдир. Энциклопедия мақолалари алифбо тартибда жойлаштирилиб, мақолаларда сўзларнинг этимологияси, транскрипцияси муайян тартиб билан берилди. Ёритилаётган тушунча ҳақида кўпроқ маълумот олиш учун муҳим адабиётлар рўйхати (библиография) кўрсатиб ўтилади.

Агар дунё таърибасига эътибор қаратсак, XIX аср ва XX асрнинг биринчи ярмида Франция, Россия, АҚШ, Германия, Италия, Испания, Туркия ва бошқа мамлакатларда ҳам универсал ва соҳа энциклопедиялари нашр этилган. Халқаро доираларда ҳозир ҳам Буюк Британиянинг “Британика” (“Британия энциклопедияси”), Франциянинг “Катта Ларусс”, Германиянинг “Катта Брокгауз” универсал энциклопедиялари эътироф этилади. Ўзбекистонда ҳам 1971-80 йилларда 14 жиллик “Ўзбек совет энциклопедияси” (ЎзСЭ) нашр қилинган эди.

Дунё давлатларида инсоният тараққиётига катта ҳисса қўшган Данте, Шекспир, Гёте, Бетховен, Диккенс, Бёрнс сингари адабиёт ва санъатнинг буюк даргаларига бағишланган энциклопедиялар аллақачон ўз муҳлисларини топиб улгурди, илму фанда эътироф қилинди.

Ўзи Беларусда Янка Купала, Россияда Достоевский, Лермонтов, Украинада Тарас Шевченко, Қирғизистонда “Манас”, Озарбайжонда “Дада Қўруқ”га бағишланган энциклопедиялар яратилганини ҳам оқшашлаб, эътироф этиш керак.

Истиқлол йилларида Ўзбекистон Республикасида “Тошкент” энциклопедияси, 1 жиллик Болалар энциклопедияси, Хотин-қизлар энциклопедияси ва 12 жиллик “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” чоп этилганини мамнуният билан айтиш мумкин.

Айниқса, Бобур номидаги халқаро фонднинг ташаббуси натижасида “Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси” яратилганини халқимизга қилинган маънавий тўхфа бўлди десак бўлади.

Табиийки, энциклопедия яратиш заҳматли илмий меҳнатни, вақтни талаб қилади ва бунга қўллаб интеллеktуал илмий ҳодимлар жалб қилиниб, уларнинг ишлари умумлаштириб борилсагина етуқ илмий нашр юзага келади.

Шуни мамнуният билан айтиш мумкинки, туркий мусулмон халқлар ҳаётидаги феномен, Миллий уйғониш ҳаракати бўлган жадидчилик ҳаракати, хусусан, Хоразм жадидлари ҳаракати оид тарих фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент Умид Бекмуҳаммад томонидан яратилган “Хоразм жадидчилик ҳаракати энциклопедияси”ни заҳматли меҳнат, излашларининг ўзига хос натижаси, муҳим ютуғи дея эътироф этиш мумкин.

Умид Бекмуҳаммад ҳали талабалик давридан Хоразм жадидлари ҳаёти, фаолияти билан қизиқиб, улар тўғрисида излашлар олиб боради. Хусусан, 1995 йил март ойида вилоят матбуотида унинг бир босма табоқли Исомхўжа бағишланган очерки чоп этилганди. Муаллиф Бобохун Салимов, Худойберган Девоннов, Полвонийез Юсупов, Бекжон



ломхўжа томонидан ташкил этилган Хивадаги жадид мактабида ўқитувчилик қилган. Ушбу таълим маскани “Мактаби Рушдия” (урта мактаб) дея номланган. 1907 йил 28 май куни валиаҳд Асфандиёр ва бош вазир Исомхўжа, 31 май куни Қозикалон Салимохун ва бошқа охун, мудarrisлар мактаб ўқувчиларини имтиҳондан ўтказишди. Натигада Аҳмад Нуриддиннинг хоразмлик ўқувчиларга бераётган таълимий юкори баҳоланади. Аҳмад Нуриддиннинг ҳаёти ва Хоразмдаги педагогика тараққиётига қўшган фаолияти тарих фанида тадқиқ қилинмаган.

Ад.: “Таржимон” газетаси, 1908 йил 18 январь.

ЮСУФ АФАНДИ АҲМАД ҲҒЛИ — Хоразмдаги жадид мактабида фаолият олиб борган педагог. 1907 йилда Хива хони Ферузон томонидан Қозон шаҳридан Хусайн афанди билан бирга таклиф қилинган ва Хивадаги жадид мактабида ўқитувчилик қилган. Юсуф афанди ишлаган мактаб тезда ўқувчилар, ота-оналар эътиборини тортиб, таълим сифати бўйича Хоразмдаги рус-тузем, жадид ва анъанавий эски мактаблар ўртасидаги рақобатда олдинги даражага чиққан. Юсуф афандининг ҳаёти ва Хоразмдаги таълим тараққиётига қўшган ҳиссаси тарих фанида тадқиқ қилинмаган.

Ад.: “Таржимон” газетаси, 1908 йил 4 апрель.

МАМАТ (МУҲАММАД) МАҲРАМ — Хива хонлигида Ферузон даврида маҳрам лавозимда фаолият кўрсатган ва ўз уйида жадид мактаби ташкил қилган шахс. Уша даврда хонлигда иккита шу номдаги маҳрам бўлган: биринчисини катта Мамат маҳрам, иккинчисини кичик Мамат маҳрам дея аташган. Жадид мактаби очган ва меъморий обидлар — мадраса, масжид, ва минора барпо эттирган катта Мамат (Муҳаммад) маҳрам бўлган. Кичик Мамат маҳрам Ферузон ва Асфандиёрхон даврларида саройдаги энг ишончли амалдор даражасига эришган ва 1912 йилда Асфандиёрхон бошлиқ делегация таркибиде Санкт-Петербург шаҳрига борган.

Катта Мамат Маҳрам тараққийпарвар шахс сифатида “Таржимон” (Крим), “Тараққий” (Тошкент) ва бошқа газеталарга обуна бўлган. Рамазон Сайдашев, Аҳмад Ағиев сингари татар ўқитувчилар билан маслақдошлиқда Хоразмда жадид мактаблари очилиши учун сазй-ҳаракат олиб борган. 1903 йилда Дешон қалъанинг жануби-ғарбий қисмидаги Калтаминор маҳалласида масжид, мадраса, минора ҳам барпо эттирган.

Сарой амалдорларига ибрат тарзда ўз уйида жадид мактабини ҳам 1905 йилда ташкил этган ва унда Қозон шаҳридан келган татар ўқитувчилари таълим беришган. Мамат (Муҳаммад) маҳрам 1909 йилда вафот этган.

Ад.: “Таржимон” газетасининг 1900-1910 йиллардаги сонлари.

МУҲАММАД РИФО КАРВОНБОШИ — XIX аср охири ва XX аср бошларида Хоразмда яшаб ўт-

ган ва жадид мактабларини қўллаб-қувватлаган тараққийпарвар шахс. Эрон, Россия худудларига савдогарларнинг юқларини ташийдиган карвонга ва Оренбург, Қозон, Машҳад, Хива, Янги Урганчдаги савдо дўконларига эгаллик қилган. Дунё тараққиётини бевосита кўриб қузатган ва Хоразмни ҳам ривожлантириш истагида ўз даври учун замонавий дўконлар ташкил қилган. Даромадидан жадид мактабларини таъминлаб турган. 1898 йил Оренбург, 1907 йили Қозон шаҳарларидан Хоразмдаги жадид мактаблари учун ўқитувчиларни олиб келишга бошчилик қилган.

Ад.: “Таржимон” газетасининг 1884-1916 йил сонлари.

Хоразмдан Қримдаги Исмоил Гаспралининг “Таржимон” газетасига мақолалар юбориб, воҳодаги жараёнларни ёритиб борган журналистлар фаолиятига ҳам энциклопедияда тўхталиб ўтилган:

САЙДАШЕВ РАМАЗОН — XIX аср охири ва XX аср бошларида Хоразмда фаолият кўрсатган педагог ва журналист. Рамазон Сайдашев Хивадаги дастлаб рус-тузем, кейинчалик Мамат маҳрамнинг жадид мактабида фаолият кўрсатган. Рамазон Сайдашевнинг мактабдаги педагогикдан ҳам аҳамиятли томони Хоразмдан Қримга — “Таржимон” газетаси бош муҳаррири Исмоилбек Гаспралига мақолалар ёзиб турганидир. Исмоилбек Гаспрали хоразмлик Рамазондан келган ҳар бир хабарни газетда “Хивадан мактуб” рункида чоп этиб турган. “Мулла Рамазон”, “Рамазон Сайдашев”, “Р.Сайдашев” номлари остида воҳода кечаётган ҳар бир жараён, воқеалар газетда нашр қилиниб турилган. Олдинлари Россия, Кавказ, Туркистондаги газеталар ва муҳбирлар орқали ёритиб борилган Хоразм билан боғлиқ жараёнлар бевосита Рамазон Сайдашевнинг журналистик фаолияти орқали Қримда нашр этилиб, минглаб муҳлислар ва турли худудларга етиб борди. (Р.Сайдашев мақолалари сарлаҳвалари ва санаси иловада берилди). Рамазон Сайдашевнинг педагогик ва журналистик фаолияти тарих фанида умуман тадқиқ қилинмаган.

Ад.: “Таржимон” газетасининг 1884-1916 йил сонлари.

Воҳодаги жадидлар билан боғлиқ ташкилотлар ҳам муаллиф эътиборидан четда қолмаган:

ТАЪСИСОТИ ХАЙРИЯ — Хоразм жадидларининг таълим, маърифатпарварлик ғояларини қўллаб-қувватлаш учун ташкил этилган ташкилоти номи. 1912 йилда Хивада ташкил этилган. Бош вазир Исомхўжа ташаббуси билан ташкил қилинган. Исмоилбек Гаспралининг 1912 йил 24 февралда “Таржимон” газетасида ёзилишича, “Исомхўжа Хивада таъсисоти хайрия вужудга келтириш учун ўзидан 100 минг рубль иона етган”, Бошқа жадид мулкдорлари ҳам ташкилотни қўллаб хайрия ишларини олиб боришган.

Ад.: “Таржимон” газетасининг 1912-1916 йил сонлари.

ХАЛҚ УНИВЕРСИТЕТИ — 1921 йилда Хоразм жадидлари томонидан Хивада ташкил қилинган олий ўқув юрти. Университетнинг ташкилотчиси ва ректори Бекжон Раҳмон бўлган. Ўз даври учун энг замонавий ўқув-услубий дастурлар, адабиётлар билан таъминланган. 1922 йилда олий ўқув юрти фаолияти тўхтатилган.

Ад.: Олпаназар Собиров. “Қурбон Березин”, “Хоразм” нашриёти. Урганч — 1996 й.

ЯНГИ УРГАНЧ САВОДХОНЛИГИ ЖАМИЯТИ

— Хива хонлигида 1913 йилда жадидлар томонидан ташкил этилган жамият. Исомхўжанинг 9 августдаги ўлимидан сўнг унинг тараққийпарварлик иши кўламини кенгайтириш, жадид мактаблари сонини кўпайтириш, уларга ўқитувчилар таклиф қилиш, дарслик ва қўлланмаларни яратиш, мактаб битирувчиларини хоризга юбориши мақсад қилиб олишган. Бу мақсад йўлида 1914 йилда Янги Урганчдаги замонавий бинода Қозон шаҳридан келган ўқитувчилар иккинчи жадид мактабини ташкил қилишди. Бироқ 1916 йил кўзғолонлари ва 1917 йилдан кейинги тазйиклар сабаб Чоржўй шаҳрига кетиб, фаолиятини давом эттиришди. Жамият ҳам 1917 йил кузида ўз фаолиятини тўхтатди.

Хуллас, энциклопедиядан шу сингари муаллифнинг йиллар давомида архив ҳужжатлари, илмий нашрлар, матбуот нашрлари, қолаверса, “Таржимон” газетасининг 1883-1916 йиллардаги сонларидан тўплаган маълумотлари асосидаги мақолалари ўрин олган.

Табиийки, бу тадқиқотга ўтган давр ичидеги Умид Бекмуҳаммаднинг излашлари сабаб яратилган энциклопедиянинг дастлабки варианты деб қарамоқ лозим. Энциклопедияда қандайдир академик илмий услуб акс этмай қолган фикрлар, гоҳида публицистикага хос сўзлар ва яна эътиборимиздан четда қолган жузъий камчиликлар бордир, эҳтимол. Негаки, тарихий даврга оид қомусни тайёрлаш катта бир илмий интеллектуал гуруҳнинг бирлашган, улар ишини умумлаштирган тарздаги заҳматли меҳнатини талаб қилади. Табиийки, бирлашиб ишлаш учун мазмуимиз бўлган жадидларга хос матонатли, фидойи бўлиш шахс сийратида бўлмоғи лозим. Ушбу нашр эса бор-йўғи Умид Бекмуҳаммаднинг тайёрлаган материалларидан иборат.

Урганч шаҳридаги “Millenium print” нашриётида чоп этилган 340 саҳифалик ушбу китобда илова сифатида Хоразм жадид ижодкорларининг шеърлари, намояндалар фаолиятига оид нобёр расмлар, ҳужжатлар, жадид мактабларидаги дарслик, қўлланмаларнинг айримлари илова қилинган.

Муаллифини заҳматли меҳнати, интилишлари натижаси билан қўтлаган ҳолда, шу мавзуга оид янги асарларини кутиб қоламиз.

Исҳоқжон ИСМОИЛОВ,
филология фанлари номзоди,
доцент.



ШОАХМАД ОТАНИНГ

ЎН ЕТТИНЧИ ФАРЗАНДИ

Бешафқат фронт ёш болаларни ҳам аяб ўтирмас, хусусан, ота-онаси ўлган ё бедарак йўқолган етим-есирларнинг аҳволи жуда оғир эди. Улим ва муҳтожлик балоси ҳаммани таҳликага солаётган бир давр. Меҳр ва парваришга зор гўдакларни уруш аланга олаётган жойлардан тинчроқ жойларга эвакуация қилиш ва меҳрибонлик уйларига жойлаштириш масаласи ечимини кутмоқда.

Тошкентдаги “детдом”лар ҳам оғир аҳволда эди. Бола кўп, жой йўқ. Фақат етим-есир ёхуд ғарбий районлардан эвакуация қилинган норасидалар ҳисобиданми? Йўқ.

Афсус, меҳрибонлик уйлари ота-онаси тирик гўдакларни ҳам қабул қилишга мажбур бўлган. “Олмасангиз, ўлиб қолади. Боқолмайман!”

Шундай вазиятда Тельман номли артелнинг (заводнинг) ишчиси (уста-чилангар) Шоаҳмад Шоаҳмутов ва унинг турмуш ўртоғи Баҳри Ақромова қандай иш тутгани кўпчиликка аён — бу икки “ҳазрати инсон” ҳақида кўп ёзишган. Биз эса кўйда улуғ мартабали ОТА-ОНАнинг ўн еттинчи фарзанди, фарзандларнинг кейинги тақдири тўғрисида тўхталиб ўтмоқчимиз.

Икки муътабар зот уруш йиллари ўн учта етимнинг бошини силаб, вояга етказгани айтилади. Шоаҳмад ота 1952-62 йилларда яна учта муҳтож болани уйига олиб келган. Баҳри ая навбатдаги меҳрга зорларни ҳам бағрига сиғдирган ва жами қабул қилинганлар 16 тага етган.

Олтиминчи йилларнинг бошида дарвозани кимдир тақиллатди.

- Ким у? — дея бориб очди уй эгаси.
- Ассалому алайкум!
- Келинг, меҳмон. Ва алайкумассалом. Танимайроқ турибман?
- Мен, мен... бағрингизда жой борми?
- Нима?
- Бағрингизда менга ҳам жой борми, ота? Етимман.

Биламан, уруш пайти ёш болаларни қабул қилгансиз. Парваршига муҳтож ўн учта болани. Урушдан кейин яна учтасини асраб олдингиз. Ана, тўртинчиси келди умид билан. Ҳайрон бўляпсизми, ким экан бу кап-катта...

Шоаҳмад ота юрагига ғалати ҳислар уйғонаркан, йиғирма беш ёшлар чамасидаги башанг кийинган, бироқ ҳазин жилмаяётган йиғитга бошдан-оёқ разм солди.

— Узоқдан келган журналистман, “партшкола”да ўқийман, исми Ражаб, — деб ўзини таништирган бўлди меҳмон. — Анчадан бери “бир борай”, “меҳр даргоҳи”ни зиёрат қилай”, дейман-у... буғун журъат этдим. Оилам бор, уй-шарофати билан эри ҳақиқий маънодаги “қаҳрамон ота”га айланди.

— Ҳеч кимим йўқ? Мен-чи? — деди кулиб.

— Сўнг Баҳри хайр ҳам демасдан дарвозалари томон чопди.

Шоаҳмад тимқора сочини қирқ кокил қилиб майда ўрган кўркамгина қиз чопиб кетган томонга беихтиёр тикилиб қолди.

Тақдир экан, унга уйланди. Баҳри қатор-қатор бола туғиб бермаган бўлса-да, унинг шарофати билан эри ҳақиқий маънодаги “қаҳрамон ота”га айланди.

— Ҳеч кимим йўқ? Мен-чи? — деди кулиб.

— Ун еттинчи фарзанди “тожик болам” деб исм қўйди Баҳри ая. Ҳақиқий она-бола бўлишди.

Турли миллатта мансуб болаларни фарзандликка қабул қилган бу хонадонга бағишлаб машур адиб Раҳмат Файзий “Ҳазрати инсон” романини ёзган — бу маълум. Асардаги Маҳкам ака — ҳақиқий ҳаётдаги Шоаҳмад ота эканлигини ҳам ҳамма билади. Ана, Маҳкам ака болалар уйига борапти. Ундан сўрайдилар: “Ўғил бола олмоқчимисиз ё қиз болами? Ёшроқ бўлсинми ё эспирогими?”

— Нима, бола танлаши керакми? У мол бозорига келмади, инсон боласини сўроқлаб келди!

— Йўқ, танлайди. Энг нимжон, энг ҳоли хароб болани фарзанд қилиб олади...



Тожиклар яшайдиган Бўстонликнинг Буржимуллосидан Шоаҳмад отанинг қариндошлари, таниш-билишлари келиб туришарди. Улардан бири бўлса керак, деб ўйлаганди Баҳри ая.

Эрининг ота-боболари буржимуллолик. Тоғли жойда ҳаёт кечириш қийин бўлган, бўлажак кайнотаси Шоаҳмутов ўн тўққизинчи асрнинг иккинчи ярмида Тошкентга келиб, аввал чоракор, кейинчалик темирчи устага шогирд тушган. Ишга кириб, артелнинг илғор чилангарига айланган. Тошкентлик қизга уйланиб, 1890 йилда ўғил қўрган, ягона ўғли (Шоаҳмад) улғайган, отаси ишлаган заводда унинг касбини давом эттирган.

Ота-онанинг вафотидан кейин Шоаҳмад ёлғизланиб қолади. Қариндошларининг қистови билан Буржимуллога кўчиб кетмоқчи ҳам бўлади-ю, Баҳри деган бир қиз...

Маҳалладоши Баҳри у пайтда заводнинг энг ёш ишчиси эди. Ишга бориб-қелишида яхшигина ҳамроҳ. Бир куни шаҳарда ҳеч ким қолмагани боис ишдан кетиши-ю, отасининг қилгоғига бориб, деҳқончилик қилишини айтганди, қиз:

— Ҳеч кимим йўқ? Мен-чи? — деди кулиб.

— Сўнг Баҳри хайр ҳам демасдан дарвозалари томон чопди.

Шоаҳмад тимқора сочини қирқ кокил қилиб майда ўрган кўркамгина қиз чопиб кетган томонга беихтиёр тикилиб қолди.

Тақдир экан, унга уйланди. Баҳри қатор-қатор бола туғиб бермаган бўлса-да, унинг шарофати билан эри ҳақиқий маънодаги “қаҳрамон ота”га айланди.

— Ҳеч кимим йўқ? Мен-чи? — деди кулиб.

— Ун еттинчи фарзанди “тожик болам” деб исм қўйди Баҳри ая. Ҳақиқий она-бола бўлишди.

Турли миллатта мансуб болаларни фарзандликка қабул қилган бу хонадонга бағишлаб машур адиб Раҳмат Файзий “Ҳазрати инсон” романини ёзган — бу маълум. Асардаги Маҳкам ака — ҳақиқий ҳаётдаги Шоаҳмад ота эканлигини ҳам ҳамма билади. Ана, Маҳкам ака болалар уйига борапти. Ундан сўрайдилар: “Ўғил бола олмоқчимисиз ё қиз болами? Ёшроқ бўлсинми ё эспирогими?”

— Нима, бола танлаши керакми? У мол бозорига келмади, инсон боласини сўроқлаб келди!

— Йўқ, танлайди. Энг нимжон, энг ҳоли хароб болани фарзанд қилиб олади...

Бу романдан бир иқтибос. Шоаҳмад ота эса шаҳар етимхонасига қандай боргани-ю, қандай вазиятга дуч келганини Баҳри аянинг “тожик боласи”га шундай ҳикоя қилганди:

“Маъсум гўдаклар катта бинонинг бир четиди, кўзлари жавдираб ўтиришарди. Ҳар бири қаноти қирқилган чумчуқни эслатар, маъсум ва умидвор нигоҳлардан юрак эзиларди. Кўзларда чуқур бир мунг. Ота-онасини соғинган болажонлар!

Шу асар асосида суратга олинган “Сен етим эмманс” фильмининг яна кўргимиз, Шоаҳмад ота ва Баҳри ая ҳақида яна эшитгимиз келади.

Рус, молдован, еврей, татар, чуваш... Турли дин, миллат ва элатта мансуб зурриёт. Ака-ука, опа-сингилларни одамийлик дини, инсонийлик таомили бирлаштирганди! Қоровой, Незмат, Муаззам, Ҳақиима ва Улуғбек сингари ҳаммаси энди маҳалланинг ўзбек болалари: Ҳабиба, Шухрат, Холида, Йўлдош, Рафиқ, Раҳматулла, Самуғ, Ҳамидулла... Ҳаммаси ўзбекчани ўзбекдай билади. Биттасининг (Вованинг) номи русча, холос.

Бола касал бўлади. Боласи касал одамнинг ҳолини тасаввур этинг.

Шоаҳмад ота нима қиларди? Баҳри ая-чи? Йиғламсираган кўйи: “Узинг асра!” дея илтижо қиларди эр-хотин. Қўни-қўшини таажжубда: “Беғона болагаям шундай меҳр кўрдими одам?”

Дарвоқе, улар Раҳматуллани етимхонадан касал ҳолида олишган. Дўхтирлар тирик қилишга ишонмасди. Аввало, Худо-ку, эр-хотиннинг ўта ғамхўрлиги уни ҳаётга кайтарган.

Болалар бирин-кетин вояга етишяпти. Ўқитиш ташвиши, ишга жойлаштириш, узатиш-у уйлантириш... Шоаҳмад ота тўнғичини ўқитди — олий маълумотли Рафиқ Ангрена ўз бахтини топди, тўрт фарзанд кўрди. Раҳматулла (татар) онасини қидириб топиб, у билан яшади, бироқ умрининг охиригача бир оёғи том маънодаги меҳр даргоҳи — отасининг “катта ховлиси”да эди. Муаззамада ҳам тўртта, Ҳабибада учта, Йўлдош билан Эргашда иккитадан фарзанд бор эди. Ота Қоровой, Шухрат, Холида, Ҳалимадан ҳам набира кўрди. Самуғ, Улуғбек, Ҳақиима, Қоровойларнинг тўйини кўриш эса пешонасида йўқ экан.

У дунёдан ўтган йили (1970) энг кенжаси Ҳақиима 18 ёшда (бу даргоҳга тушганида у бир ойлик чақалоқ) эди. Оиланинг икки фарзанди — Ҳамидулла ва Муаззама севиб турмуш қуриб, тўрт фарзанд кўриб, бахтли ҳаёт кечирдилар.

18 йил эри билан Тельман номидаги заводда ишлаган Баҳри ая Ақромова 1987 йилда (саксон тўрт ёшида) оламдан ўтди. 1978 йилда хонадонга келин бўлиб тушган Жаммила опа кўзларига ёш қалқиб чиқаркан: “Қайнонам сура-тида ўз онамининг суратини кўрганман”, деганди. У келинларининг ҳам меҳрибон онаси эди.

Фарзандлардан Ҳалима ва Йўлдошга узоқроқ умр насиб этгани, бугунги кунда Холида (Ольга Тимонина) Тошкентда ҳаёт кечириётгани — тўқсонга қараб кетаётган она-хонининг Жарариқ маҳалласида яшаётгани айтилади.

“Бобом ва бувим асраб олганлардан деярли қолмади, лекин уларнинг фарзанд ва набиралари билан борди-келдини қанда қилганимиз”, дейди хонадон тўнғичининг ўғли, яъни Шоаҳмад отанинг набираси Тоҳир Шоаҳму-дов.

Холида опа бир неча йил аввал: “Ойим тез-тез тушимга қирадилар, ойим жаннатдалар...” деган экан журналист дўстимиз Фозил Жабборовга.

“Жаннати она”нинг “тожик боласи” ҳам энди орамизда йўқ.

Дарвоқе, оиланинг ўн еттинчи фарзанди тўғрисида бошқалар билганими?

Билган. Табассум билан: “Тўрт кишини хабардор қилмасак бўлмайди”, деганди хонадоннинг янги аъзоси. 1964 йили собиқ “партшкола” (Тошкент олий партия мактаби)да катта йиғилиш бўлиб ўтган. Шоаҳмад ота ва унинг турмуш ўртоғи иштирокидаги йиғилишни собиқ Марказқўмнинг идеология бўйича ўша вақтдаги котиби бошқарган. Сўз тожик журналистига берилганда, у биринчи қаторда ўтирган фахрий меҳмонларга шундай деб мурожаат этган:

— Отажон ва онажон! Мен ҳам уруш йилларининг бир етимман. Илтимос қилан, турли миллатта мансуб ўн олти фарзандингиз қатори мен тожикни ҳам...

“Болажоним!” дея уни бағрига босади Шоаҳмад ота. “Меҳрибоним, жигарпорам”, дейди Баҳри она “тожик боласи”нинг пешонасидан улгаркан.

Бутун зал оёққа турган. Қарсақлар остида ўн еттинчи фарзанд отасига тўн ва тожикча (гулли) дўпли кийдиради. Онасининг елкасига оқ рўмол ташлайди.

“Кенжато” кейинчалик онажонга оқ қўйлак ҳам олиб берган. Оқ рўмол ва оқ қўйлакни онажон умр бўйи асраган.

Холида опани эслаймиз. “Ойим тез-тез тушимга қирадилар. Бошларида оппоқ рўмол...”

Мухаммад ШОДИЙ

ХОРИЖ

ЭРОНДА 5 КУНЛИК МОТАМ

Эрон президенти Иброҳим Раисий жорий йилнинг 19 май куни юз берган авиаҳалокат оқибатида ҳалок бўлди. Президент вертолёти Эрон-Озарбайжон чегараси яқинидаги Верзеан шаҳри тоғли ҳудудига “қаттиқ қўнган”ди. Қўтқарувчилар 20 май куни вертолёт ҳалокатга учраган жойни аниқлаган. Маълум бўлишича, вертолёт “қаттиқ қўниш” чоғида бутунлай ёниб кетган.

Борда учувчилардан ташқари Эрон президенти Иброҳим Раисий, ташқи ишлар вазири Амир Абдуллаҳён, Шарқий Озарбайжон губернатори Оятуллоҳ ал-Ҳошим ва Табриз имоми Муҳаммад Али ал-Ҳошим бўлган.

Дунёнинг камда саккиз давлати: Ҳиндистон, Ироқ, Ливан, Покистон, Сурия, Туркия ва Тожикистонда Эрон президенти Иброҳим Раисий ва унга ҳамроҳлик қилаётган делегациянинг вафот этгани муносабати билан мотам эълон қилинган.



КОРОНАВИРУСГА ЧАЛИНИШ КЎПАЙМОҚДА

Сингапурда янги COVID-19 тўлқини юзга келди. Ҳукумат вазиятни диққат билан кузатмоқда. Бу ҳақда “The Straits News” хабар берди.

Сингапур Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотларига кўра, коронавирусга чалинишлар сони 5 майдан 11 майгача 25 900 тани ташкил этган. Бу аввалги ҳафтадаги 13 700 та ҳолатдан анча кўп. Уртача кунлик касалхонага ётқизилганлар сони юқоридаги давр бўйича 181 дан 250 тага кўтарилган.

Беморларга жой етиши учун давлат шифохоналарига шошилинч бўлмаган операцияларни қолдириш сўралмоқда. “Биз коронавирус тўлқинининг ўсиб бораётган босқичида турибмиз. Тўлқин кейинги икки-тўрт ҳафта ичида чўққисига чиқиши керак. Бу июнь ойининг ўрталари ва охириги оралиғида кузатилади”, — деди соғлиқни сақлаш вазири Онг Е Кунг.



ПРЕЗИДЕНТ РАФИҚАСИГА ОҚҚОН ТАШХИСИ ҚЎЙИЛДИ

Сурия президенти Башар ал-Асаднинг рафиқаси Асма ал-Асадга оққон касаллиги ташхиси қўйилган. Бу ҳақда президент матбуот хизмати хабар берди. Маълум қилинишича, 48 ёшли Асма уни изоляция қилишни талаб этадиган махсус даволашни протоколига амал қилмади.

“Бир қатор клиник белгилар кузатилишидан ва қатор текширувлардан сўнг биринчи хоним Асма ал-Асадга ўткир миеоген лейкокемия (оққон) ташхиси қўйилди. Биринчи хоним инфекциянинг олдини олиш бўйича қатъий чоралар ва тегишли ижтимоий масофани ўз ичига олган махсус даволаш протоколига амал қилади. Даволашни режасининг бир қисми сифатида бевосита алоқалардан вақтинча воз кечади”, — дейилади хабарда.

2019 йил август ойида Сурия президенти рафиқаси эрта аниқланган кўкрак беши саратонидан тўлиқ тузалганини айтганди. Суриянинг биринчи хоними саратон ташхиси қўйилгани илк бор 2018 йил август ойида маълум бўлганди.



РОССИЯ НЕФТЬ ТАНКЕРЛАРИ

АҚШ санкциялари қўлланаан Россиянинг деярли ҳар бир нефть танкери бир неча ой давомида тўхтаб қолди. Бу ҳақда “Bloomberg” хабар берди.

Маълум бўлишича, 2023 йил кузиди 40 та рус кемаси Америка санкциялари остида қолган. Қолидаги кўра, уларнинг киритилишига Россиянинг нефть нархи чегарасининг бузилиши сабаб бўлган. “Bloomberg”га кўра, руҳсат этилган танкерлардан фақат биттаси оқиб, Осиёга йўл олган.

Айни пайтда Россия прокси-компаниялари ёрдамида унга қўйилган халқаро чекловларни четлаб ўтиш учун яратилган “соя флот”нинг кичик бир қисмига чекловлар остида.

2022 йилда G7 давлатлари, Европа Иттифоқи ва Австралия Россия нефтига бир баррел учун 60 долларлик нарх чегарасини жорий қилган эди. Россия — Украина уруши туйғайли киритилган чекловлар компанияларга ушбу нархдан юқори сотилган рус нефтини ташши ва суғурталашни тақиқлаган.



ЕВРОПА РАСМИЙЛАРИНИНГ ХАВОТИРИ

Европа расмийлари Словакия бош вазир Роберт Фицога уюштирилган суиқасдан сўнг хавотирда. Украинанинг НАТОга аъзо бўлишига қарши чиққан Словакия бош вазир альянсда янада бузғунчи кучга айланшидан хавотирда, деб ёзади “Financial Times”.

“Баъзи европалик амалдорлар Роберт Фицо, Финляндия ва Швециянинг НАТОга киришини кечиктирган Виктор Орбан каби бузғунчи кучга айланшидан хавотирда”, — деб ёзади нашр.

Нашрга кўра, суиқасдан олдин Фицо Голландия бош вазир Марк Рюттен НАТОнинг навбатдаги бош котиблигига ўз номзодини қўйишига қарши чиққанди. Шунингдек, у Украинага қурол етказиб берилишига ҳамда Украинанинг НАТОга аъзо бўлишига тўсқинлик қилган. Унинг фикрича, бу учинчи жаҳон урушининг бошланишини англатади. У Украинага ҳарбий хизматчилар юборилишига ҳам қарши чиққан. Фицо НАТО қўшинларининг эҳтимолий юборилиши мижоронинг кучайишига олиб келишини таъкидлаган.



Интернет маълумотлари асосида Ислон ЭҒАМБЕРДНЕВ тайёрлади.

ТАЪЛИМДА АДОЛАТ БОШ МЕЗОН БЎЛМОҚДА



1-6. Бунинг учун Янги Ўзбекистонда олий таълим муассасаларига қабул жараёнини такомиллаштириш, қабул квоталарини ошириш, кириш имтиҳонларида айрим тоифа абитуриентларга имтиёзлар бериш, олий таълим сифатини янги босқичга кўтариш борасида муҳим фармон ва қарорлар қабул қилинди.

Хусусан, жорий йилнинг февраль ойда Президент қарори билан тузилган "Таълим соҳасида лойиҳалар маркази" лойиҳа офиси томонидан ўтган қисқа вақт ичида вазирликлар билан бирга ўқув жараёнларини янги тамойиллар асосида ташкил этиш, кадрлар салоҳиятини ошириш, таълим хизматлари сифатини халқаро стандартлар даражасига кўтариш бўйича чора-тадбирлар ва истиқболли ташаббуслар ишлаб чиқилди.

Жумладан, шу йилнинг 6 май кунини Президент ҳузурида олий таълим йўналишларини оптималлаштириш, қабул ва малака тизимларини такомиллаштиришга қаратилган тақдимотда соҳага оид муҳим таклифлар илгари сурилди.

Хозирги глобаллашув ва бозор иқтисодиёти шароитида юксак салоҳиятли, билимли, масъулиятли, рақобатбардор кадрларни етиштириш ҳар қачонгидан долзарб масалага айланган. Ҳар қандай давлатнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ривожланишида юксак малакали кадрлар муҳим ўрин тутиши ҳеч кимга сир эмас. Шундан келиб



чиқиб, таълимнинг халқаро таснифи, илғор хорижий тажриба асосида бакалаврият ва магистратура йўналишларини қайта кўриб чиқиш ҳамда айни пайтда талаба юқори бўлган соҳаларда янги йўналишлар очиб бўйича таклифлар билдирилди.

Шунингдек, янги ўқув йилидан бошлаб олий ўқув юртларида таълим жараёнларини рақамлаштириш ҳолда деканатлар ва бошқа маъмурий тузилмаларни оптималлаштириш

орқали янги тизимни жорий этиш бўйича берилган кўрсатмалар келгусида олий ўқув юртларига замон билан ҳамнафас ва янги рақамли имкониятлардан фойдаланиш имкониятини беради. Бошқарув учун янги имкониятлар яратиб, ўқув дастурларини, профессор-ўқитувчиларни, ходимларни ва ресурсларни бошқаришни осонлаштиради.

Президент ҳузуридаги тақдимотда соҳада амалга оширилаётган ислохотларни давом

этирган ҳолда, олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишда ўтказилаётган кириш тест синовларини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш, ёшларнинг таълим олишга бўлган иштиёқини рағбатлантириш, қабул тизимини янада адолатли қилиш ва давлат грантларини иқтидорга йўналтириш борасида илгари сурилган таклиф ёшларни янада рағбатлантириди, десак, янги йилда ҳам рақобат бўлмаса, ривожланиш бўлмаслигини бугун барчамиз англаб турибмиз. Янги тизим талабанинг билимига, фанларни сифатли ўзлаштиришига ва энг асосийси, адолатга бўлган ишончининг янада ошишига хизмат қилади.

Янги тартибга кўра, муайян бир йўналишга ажратилган давлат гранти доирасида юқори балл тўплаган абитуриент, танлаган олий таълим муассасасидан қатъи назар, давлат грантига тавсия этилади. Яъни, юқори балл олган ёшлар ўқишга кирмайди. Давлат гранти эса 4 йилга битта талабага эмас, балки ҳар йили юқори баҳоларга эришган талабалар орасида қайта тақсимланади. Қабул қилинаётган янги тартиб талаба-ёшлар ўртасида адолатли рақобатни юзага келтириб, талабанинг изланиши, келгусида жамиятда ўз ўрнига эга бўлиши учун кенг имкониятлар яратади.

Бугунги кунда мамлакатимизда тизимли ва изчил равишда олиб борилаётган таълим соҳасидаги ислохотлар ўз натижасини кўрсатиши шубҳасиз. Ўзбекистон олий ўқув юртлари замон талабларига мослашадиган ҳамда бугунги кун ва келажак учун замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш имко-



ниятига эгадир. Амалга оширилаётган ислохотларнинг шу тарзда давом эттирилиши, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан кўрсатиб ўтилган олий таълим тизимидаги устувор вазифалар ижроси сифатли таъминланиши — мамлакатимизда таълимнинг юқори чўққиларга чиқишига ва энг асосийси, ёшларимиз халқаро миқёсда рақобатбардор бўла оладиган, меҳнат бозорига ўз ўрнини топа оладиган, креатив ва тизимли фикрлайдиган, мустақил қарор қабул қила оладиган малакали кадр бўлиб етишишига хизмат қилади.

Дилноза ХОДЖАЕВА,
Кўқон давлат педагогика институтини ректори.

УЧРАШУВ

Ҳар қандай миллатнинг маънавий қиёфаси унинг таълим даргоҳларида, у ердаги маърифий муҳитда намоён бўлади. Халқнинг тафаккур тарзи акс этган маънавий обидаларда кўзга ташланади. Бугунги кунда мамлакатимизда бўлиб ўтаётган "Маърифат улашиб" лойиҳаси дастурларида ҳам ёшларни китобга, адабиётга, маърифатга етаклаш бош мақсад сифатида кўзланган. Хусусан, олий таълим даргоҳлари ташкилотчилигида шоир ва ёзувчиларнинг мактабларга, маҳаллаларга ташриф буюриши кўпчиликтида қизиқиш уйғотгани шубҳасиз.

Ана шундай тадбирлардан бири Тошкент педиятрия тиббиёт институти ҳамда Тошкентдаги Технология, менежмент ва коммуникация (ТМС) институти ҳамкорлигида ўтказилди.

Мамлакатимизда соғлом ҳаёт тарзини тарғиб этиш маркази саналган ушбу даргоҳда шоир ва ёзувчиларнинг кутуб олини ўзига хос мазмун-моҳият касб этди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюشمаси аъзолари, шоир ва публицистлар Абдурашул Жумакул, Тоҳир Долиев ва Гўзал Бегимлар билан бўлиб ўтган учрашувлар ўзига хос қизгин ва мароқли кечди. Маънавият ва маърифат тадбирида Тошкент педиятрия тиббиёт институти ректори, профессор Ботир Даминов қатнашди. Бўлажак тиббиёт ходимлари бўлиши институтининг талаба-ёшлари билан бўлиб ўтган адабий учрашувни институти раҳбари олиб борди. Олий таълим даргоҳи ҳудудида ижодкорлар яхши ният билан дарахт кўчатлари ўтказилди.

— Бу дарахт "Hurriyat" дарахти, — дея ҳазил қилди Абдурашул Жумакул.

— Буниси "Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалиги"дан, — деди Тоҳир Долиев.

— Демак, мана шу арча — Гўзал арча! Ана шундай жўшун тадбир доирасида талабалар ўртасида ўтказилган "Заковат" интеллектуал уйинлари ҳам ёшларнинг ўқишдан бўш вақтларини мазмунли ўтказётганининг амалий натижаси ўлароқ намоён бўлди.

Талабалар турар-жойида уюштирилган "Ош чемпионати" институти ректори Ботир Даминов бошчилигидаги ҳакамлар ҳайъати томонидан юксак баҳоланди.

Талабаларнинг яшаш жойида ташкил этилган ижодий учрашув жонли сўхбат тарзида ўтказилди. Ушбу сўхбат гулхан атрофидаги мушоирага уланиб кетди. Бу ерда нафақат инсоннинг вужуди, балки унинг руҳияти ва қалби билан иш кўрувчи инсонлар ҳам фаолият олиб бориши талабаларнинг билим ва савиясида ёрқин акс этди. Талабалар орасида спорт бўйича чемпионларнинг, бадий ижода, санъатта иштиёқмандларнинг борлиги таниқли ижодкорларни қувонтирди.

Учрашувда адабларнинг ҳаёти, ижоди ва асарлари тўғрисидаги видеоролик намойиш этилиб, уларнинг чиқишлари тингланган ҳамда шоир-ёзувчилар ва тадбир



иштирокчилари ўртасида дебат кўринишида мулоқот ташкил этилди. Шунингдек, учрашув доирасида адабларнинг ҳаёти, ижоди ва асарлари бўйича ташкил этилган онлайн-викторина голиблари тақдирланди. Тадбир якунида адабларнинг сара асарларидан иборат китоблар институтига тақдим этилди. Олий ўқув юрти масъуллари томонидан адабларга ҳам эсдалик совғалар топширилди. Тошкент педиятрия тиббиёт институтининг ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректори Муборак Аҳмедова тадбирнинг фаол жонқурларидан бўлганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Тошкент педиятрия тиббиёт институтида Ўзбекистон Ёзувчилар уюشمаси аъзоси, болалар шоираси Кавсар Турдиеваннинг узоқ йиллардан бўён фаолият олиб бориши ушбу даргоҳда Сузнинг, Адабиётнинг қадри баланд эканлигининг ифодаси бўлгани ҳолда, тиббиёт ходимлари орасидан ҳам шоир ва ёзувчилар етишиб чиқишига туртки бўлаётгани бежиз эмас.

"Маърифат улашиб" лойиҳаси доирасидаги навбатдаги учрашувлар Сирдарёнинг Боёв туманидаги қатор мактаб ва маҳаллаларда давом этди. Ушбу тадбирларда Ўзбекистон Ёзувчилар уюشمаси аъзолари, шоир ва адабларимиз Тоҳир Долиев ва Гўзал Бегимлар иштирок этди.

Адиблар Боёв туманидаги умумтаълим мактабларига ташриф буюрар экан, ушбу учрашувлар ҳам ижодий мушоҳада ва мунозараларга бой бўлди. Технология, менежмент ва коммуникация институти ташкилотчилигида ўтказилган ушбу учрашувлар ёшлар қалбига адабиёт, шеърят

УЛАШИЛГАН МАЪРИФАТНИНГ БЎЙ-БАСТИ

бир қарра таъкидлади.

Шундан сўнг Гўзал Бегим йиғилганларга янги ёзган шеърларидан ўқиб берди. Мактаб ўқувчилари орасидаги ёш ҳаваскорлар ҳам ўз ижод намуналаридан ўқиб, таниқли шоирдан ижодий маслаҳат ва тавсиялар олдилар. Абдурашул Жумакул, Гўзал Бегим ва Тоҳир Долиев ижод намуналари киритилган шеърый тўплам — "Биллур қирғоқлар" китобини дастхатлари билан фаол ўқувчиларга тақдим этдилар.

Ушбу ижодий учрашувларнинг мантиқий давоми 15 май кунини Тошкент Технология, менежмент ва коммуникация институтининг асосий биносиде бўлди. Адиблар даставвал "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида институти ҳудудида меваги ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди. Сўнгра талабалар даврасида бўлиб ўтган шеърят кечасида адабларимиз адабиётнинг миллат ривожига ва ёшлар ҳаётидаги ўрни ҳақида қизгин сўхбат уюштирилди. Шоир ва ёзувчилар ўз китобларини ҳамда ТМС институти ҳомийлигида чоп этилган "Биллур қирғоқлар" тўпламининг талабаларга дастхатлари билан тўхфа этар эканлар, жадид болаларнинг фикрларини таъкидладилар: "Ҳар қандай миллатни жаҳолат ботқоқидан қутқарадиган нарс, бу — унинг миллий тили ва адабиётидур".

— Бугун 7000 дан ортик талаба тахсил олаётган таълим даргоҳимизга юртимизнинг таниқли ижодкорлари ташриф буюриши том маънода адабиёт байрамидир. Талаба-ёшлар ижодкорлар билан бевоқиф юзма-юз сўхбат қилганларидан сўнг келажакдаги орзуларини мақсадга айлантарадилар, эртанги кун қаршидаги ўзларини йўқотиб қўямаслик учун билим ва маърифат билангина қучли бўлиш мумкинлигини яна

англаб оладилар деб ўйлайман. "Маърифат улашиб" лойиҳасининг натижаси ўлароқ келажакда бизнинг ўқув даргоҳимизни битирган ёшлардан ҳам эл-юртимизнинг қорига ярайдиган улғу инсонлар етишиб чиқса, деб умид қилиб қоламиз, — деди институти ректори Азизбек Валиханов ўз чиқишида. Мазкур институтининг ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректори, профессор Азизхон Тилляхаджаев ҳамда илм даргоҳининг ёшлар масалалари ва маънавий-маъ-



рифий ишлар бўйича бўлими бошлиги Сурайё Парпихаджаева ҳам адабий учрашувларга бош-қош бўлишди.

Ушбу адабий-маърифий тадбир "Ош байрами"га уланган талаба-ёшлар ўртасидаги сўхбатлар қозон ўқоқларда тайёрланган ош ёнида ҳамда дастурхон атрофида байрамона тус олди. Мамлакатимизнинг турли вилоятларидан ташриф буюрган талабаларнинг нафақат тафаккур ва дунёқараш, балки урф-одатлари ҳам турлича эканлиги улар тайёрлаган ошда намоён бўлди.

Бугунги тезлашган ахборот замонида ёшларни китоб ўқишга, шеър ва романлар мугулава қилишга рағбат уйғотиш мақсадида ташкил этилган "Маърифат улашиб" тадбирлари бугун ўзини қай даражада оқлайди, деган савол туғилади. Негаки, бугун шоир ва ёзувчи китоб эзиб халқ ўртасида танилиш бирмунча мураккаб эканлигини, одамлар кўпроқ қисқа-қисқа "SMS" ва ахборотларни ўқишга мослашгани одамни мушоҳадага қорлайди.

Дарҳақиқат, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Шўқур Холмирзаев, Ҳалима Худойбердиева каби машҳур адабларимиз-

нинг номи, довруғи, асарлари ёзилиб бўлинган-у, адабиёт бугун байроқдорларсиз қолгандек таассурот уйғотаётган бир пайтда "Маърифат улашиб" лойиҳасига давлат сиёсати даражасида эътибор берилётгани юқоридеги саволнинг ижобий жавобига айланмоқда. Аслида, ҳамма ўзи учун керакли бўлган маънавий маълумотларни фақат телевиденидан ва босма ахборот воситаларидан олиб яшаган замонлар ўтмишига айланиб улгурди. Чунки айнан ўша даврларда одамлар матбуотга, китобга боғланмаслигининг илжи бўлмаган, ана шу маънавий воситаларига халқни чинакам ҳаёт билан боғлаган. Бугун эса ҳар кимнинг қўлида биттадан ахборот ташувчи восита — мобиль алоқа қурилмаси борки, бу одамларни бир қадар ҳақиқий адабиётлардан узоқлаштираётгани ҳам бор гап. Ана шундай маънавий хатар таъкид қилаётган бир замонда "Маърифат улашиб" лойиҳасининг жорий этилгани, шоир ва ёзувчиларнинг ёшлар орасига гуриллаб кириб боргани, адабий гу-

рунлар ўтказиб, талаба-ёшларга келажак учун маъқ бўлаётгани фақат яхшиликлардан, эзуликлардан дарах беради.

"Бирор қишга китоб сотсангиз, унга шунчаки қоғоз, сиёҳ ва елим эмас, балки унга янги ҳаёт сотган бўласиз", — дейди улуғлар. Бу мақолада эса сотилган китоблар ҳақида эмас, тўхфа этилган китоблар ва руҳий-маърифий билим ҳақида гап бордики, ушбу учрашувлар кимнингдир орзуларини, ҳаётини, фикрини зарра қадар эзгулик йўлида ўзгартирса, демак, ушбу лойиҳа узини оқлаган бўлади. Зотан, улашилган маърифат идрокка ва юракка етиб боргандагина ўз буй-бастини кўрсатади.

Ҳаммамиз севиб ўқийдиган Абдулла Қодирнинг "Уткан қунлар" романида ажойиб бир эпизод бор: Отабекнинг олдига қирган Қумуш: "Фузулӣ яхши китоб, мен ҳам ёлғиз қолган кезларимда бу китобдан бошимни ополмас эдим", — дейди. Қўраясизки, ёзувчи шу бир оғиз гап орқали ўша давр одамларининг китобхонлик даражасини акс эттира олган. Зотан, бугунги "Маърифат улашиб" лойиҳаси учрашувлари ҳам миллатнинг эртаси учун маънавий нақшдир.

Зёбо МАТЁҚУБОВА

Ён, чироғим, тонгга қадар ён!

1-6

Қонли жанларнинг тала-тўфонда унинг қалбига адолат галабасига ишонч, шеърят сизи куч-қувват бағишлади. Жанлардан нафас ростлаш мумкин бўлган ғанимат лаҳзаларда шеърлар ёзди, республика матбуотида юбориб турди.

*Озмунча жанлар қилмадим мен,
Озмунча қонлар кечмадим.
Неча бора ўқ есам ҳам,
"Бас, етар жане", демадим.
Энг оғир дамларда ҳам
Бахт-саодат қолдудин
Ҳеч умидим узмадим.*

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад шундай хотирлайди: "Яшаб ўтган йилларимизнинг энг бахтли дамларини эслаймиз ва уни умр деб атаймиз. Аммо шу умр бўлса, айриликлар, маҳрумликлар, йўқотишлар билан ўтган изтиробли йилларимизни нима деб атаймиз? Айрилиқ, чекинчи, изтироб дамларида инсон битта мақсад билан яшайди. Тўсиқларни бузиб ўтиш, чекинчилик, тўхматларга қарши кураш жараёнида товланиб боради. Ҳаётда ўз ўрнини топишга интилади. Лекин ҳаёт ҳаммамиздан кўра Шухратни кўпроқ ва кескинроқ синади: у буқилмади, синмади. Юксак иродаси уни омон сақлаб қолди".

Дарҳақиқат, умрни гаровга қўйиб ҳаёт-мамонт жанглирига кириш инсон учун энг оғир синовлардан. 1940 йилда армия сафида хизмат қила бошлаган Шухрат уруш бошлангач, фронтга жўнатилди. 1943 йилда жанларнинг биринчи оғир яраланиб, госпиталга тушди. Узоқ даволаниб, лекин жароҳатлар асорати буткул тўзалиб кетиши қийин бўлди, шунинг учун она Ванатга қайтарилди. Иккунчи жараёнига узини урди. Вафо, садоқат, муҳаббат мавзудаги шеърларининг муҳлисари кўндал-кўнда ортиб боради. У Тошкентга қўчиб келган ҳарбий госпиталларга бориб, ярадор жангчиларга: қишлоқларга бориб, фронтдаги жигару жондошлари, тақдирдошларидан хат-хабар кутаётган ота-оналар, аёлларга уларнинг кўнглини кўтарадиган, дилларига таскин бағишлайдиган шеърларини ўқиб берарди.

*Йўлларинида чечак учараса,
Яшаб турса, бил, ўша менман.
Богларинида чаман барк урса,
Нур уфурса, бил, ўша менман.*

*Эрта баҳор келиб қалдирғоч
Салом деса, бил, ўша менман.
Баҳор қадаб бошинга гултож,
Еллар эсса, бил, ўша менман.*

*Чанқовинани қондурса бўлок
Бағрин очиб, бил, ўша менман.
Тунлар йўлинг ертиса чироқ
Шуъла сочса, бил, ўша менман.*

*Кетолмайман ҳеч сендан йироқ,
Ишонма сен менинг қабримага!
Аслида, мен севган кунимок
Қўмилганман сенинг қалбинга!*

"Шеърятимизда реалистик ҳақиқатни романтик жўшқинлик билан омехта қилиб, гўзал ва нафис лирик асарлар яратган шоир Шухрат умуман ўзбек поэзиясини ўртамеъначиллик савиясидан олиб чиқиб, юқори кўтаришга астойдил хизмат қилган меҳнаткаш, истеъдодли, изловчи шоирлардан", деган эди Ўзбекистон халқ шоири Мақсуд Шайхзода.

Маҳоратли эди 1947 йилда уруш хотираларига асосланган "Шинелли йиллар" романини ёза бошлади. Ижодга шу қадар берилиб кетдики, у ҳафта-ўн кунлаб кўчага чиқмасди; кечасио кундузи тўлиб-тошиб ёзарди. Дўстлари баъзан учратиб қолишганда, Шухратнинг чарчаган, ҳорган, аммо қилаётган шиддан гоёт мамнун эканини юз-кўзлари, сўзларидан дарҳол ҳис этишарди. Шундай шахду шиддат шахсга сизиниш даврининг деворига урилди: ижодкор сохта далиллар билан совет тузумига душманликда айбонди, тиканли симлар ортига бадарга қилинди, сўнгги болбери эилаётган "Шинелли йиллар" романи ёзув столида қолиб кетди... Беш йиллик хорлик, сарсон саргардонлик, машаққатлардан кейин она тупроққа қайтди. Шухратни ҳар қандай вазиятда ижод, эзгу ниятлар ифодаси бўлиши бадий асарлар ёзиш нияти тарк этмади, қўллаб-қувватлади. У маҳкумлик йилларида қўли оғир меҳнатда бўлса-да, қалбида "Шинелли йиллар" романини яқунлаб, "Олтин зангламас" романини пиштириб қўйганди.

"Шинелли йиллар"нинг бош қаҳрамони Элмурод сиймосида адиб шахсини кўргандек бўламиз. Урушнинг бошидан охиригача қанчадан-қанча қирғинбарот жангларда қатнашган бу фидойи, мард инсон образини муаллиф меҳр ва ифтихорига йўғириб олгандек...

— "Шинелли йиллар" романи воқеаларининг барчасини ўз кўзим билан кўрганман. Персонажларнинг кўпчилиги билан ёнма-ён жанг қилганман. Ҳатто китобда уларнинг номлари ҳам ўзгартирилган. Элмурод, Зебо, Марьям, Ягудин, Лариса, Махаллов, Мурзин, Данилченко... кўрган-кечирганларимиз ўтган уруш хотиралари бўлиб қолсин, — деган эди Шухрат муаллими.

Устоз фронтда, суронлар йиллар гирдобда ўзи гувоҳ бўлган воқеаларни қозғатга тушира туриб, уларни битта асарга жойлаб бўлмаслигига ишонди ва уни икки китобга бўлади. Биринчи асарини 1947 йилда тугатганини ўзи айтди.

Аммо хушёр китобхон романининг сўнгиди "1947-1957" йиллар деб ёзилганини фахллайди.

Гап шундаки, шахсга сизиниш йилларининг азобини кўпгина қаламқавлар қатори Шухрат ҳам тачтиган. Йўқ ердиги айблар, асосан, тухматнинг кучи билан, яна очирқор айтилган, "учлик судлов" томонида илгирима беш йилга ҳукм қилинади. Ҳақни ҳаққа, ноҳақни ноҳақга ажратадиган замон келгач, 1955 йилда унинг беғуноҳ эканлиги исботланади.

Сибирь, Қозғонистоннинг шимолида захмат чекиб юрган кезлари ҳам бу роман у кишига тинчлик бермайди. Тошкентга қайтган заҳоти романининг иккинчи қисмини ёзишга киришишга аҳд қилади. Озодликдан маҳрум қилинишдан олдин Ўзбекистон давлат нашриётига қўлбасмасини ташлаб кетади. Қайтиб келгач, суриштирса, нашриёт раҳбариятидан

бу китобни кўрмаганлигини эшитилади. Ана диққатбозлик, ана асабузарлик!

Фавқулодда домла билан учрашиб қолган нашриёт бош бухгалтери Касабов: "Менда бир китобинг турибди, русчаси ҳам бор", дейди. Бу "Шинелли йиллар"нинг биринчи қисми эди. Асар қайта ишланади, тўлдирилади, 1957 йилда битади.

Уша пайтда негандир яхши деб топилган асарлар дарҳол рус тилига таржима қилинади. "Военыздаты" нашриётида чоп этилган китобга П.Вершигора, Э.Казакевич каби номдор ёзувчилар тақриз ёзишади. Айниқса, Вершигора: "Армиямизда кўп миллатли роман йўқ, Шухратнинг романи бунга тўлиқ жавоб беради", деб уни юксак баҳолайди.

Роман Г.Соловьев таржимасида илк бор 1959 йилда Москвада рус тилида катта нусхада босилиб чиқади, у кейин яна икки қайта эълон қилинади. Уларнинг умумий адади ярим миллиондан ошди нухсани ташкил этади. Аини шундай муваффақият 1960 йилда чоп этилган ўзбек тилидаги нашрида ҳам қузатилади. Умуман, ушбу асар бир неча хорижий тилларга таржима қилиниб, барисида мисли қўрилмаган муваффақиятга эришган эди. Чунки бу асар ўзининг баркамоллиги, ўқишлилиги билан ўқувчилар қалбини ишғол қилган, китобхонларнинг севимли асарига айланиб кетган эди.

...“Қози муттаҳам бўлса, дардининг кимга айтасан?” Адолатсиз тузум “дохий”лари ҳаёт ҳақиқатларини доим яшириш, пинҳон тутиш учун ҳаққўйларни тухматлар, қамоқ, сургун, ўлим жазоси билан қўриқдилар, жазо машиналари миллат оидинларининг бошида қилич ўйнатди. 1950 йилларда “тройка” қарори билан ноҳақдан 25 йил муддатга озодликдан маҳрум этилган бир гуруҳ ижодкорлар орасида Шухрат ҳам бор эди. Миллатчилик, “озод ва бахтиёр” совет тузумини қўллаб-қувватлаш ўрнига ўтмиш аждодларини тарғиб этишда айбонган бу зиёлилар Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, мутафаккир тарихчилар Хондамир, Мирхонд қабиларни таълим даргоҳларида ўқитиш бўйича алоҳида дастурлар тайёрлаш, ўқув соатларини кўпайтириш, яъни бу тарихий шахслар ҳақида ёшларга кўпроқ маълумот бериш, уларни тарғиб этишни кучайтириш ташаббуси билан чиққандилар.

Шунинг учун ҳам Шухрат яна бир неча йил умрини қамоқхоналарда ўтказди.

Собиқ тузум истибодларини бошдан кечирган Ўзбекистон халқ шоири Шухрат шундай деганди: "Шухрат ҳаётда ҳам, ижодда ҳам чеккан машаққатларини бошқа бирорта ўзбек ёзувчиси кўрмаган. Унинг энг юксак инсоний фазилати шундаки, ижодкор ҳар қандай маломат, ҳўрлик, бўҳтонлар чангалида, ҳа, худди шундай, қаддини ҳам қилмади. Дардаш излаб, ҳар кўринганга тақдирдан нолимади. Метин ирода билан, ўз инсонийлигини йўқотмай ижод қилди.

Ҳақиқат ва ҳалолликнинг бир кун ғолиб чиқиши ва қаҳрамонликнинг машаққатлари тўғрисида кўпроқ китобларда ўқиймиз. Ёзувчи Шухрат эса ҳалоллик, ўзининг ҳақиқатига ишонч, инсоний гуруҳ каби ажойиб фазилатли кишиларнинг орамиздаги тирик намунаси эди".

Кўйида ёзувчи Шухрат ҳақида унинг дўстлари, ҳамкасблари, шоғирдларидан айримларининг фикрларини келтириб ўтқоқимиз. Уларда буюк қалб, улуг инсон, юксак иқтидор соҳиб ҳақида юракдан айтилган гапларга дуч келасиз:

Одил Ёқубов: "Шухрат ака сўнгги йиллари, ҳатто касалга чалинган чоғларида ҳам қаламини қўлдан ташламади. Шухрат ака адабиётга ҳам, театрга ҳам шухрат келтирган асарлар яратиб қолдирди".

Абдулла Орипов: "Азамат акаларимиздан эди Шухрат домла. Устозларимиз Гафур Ғулум, Ойбек, Абдулла Қаҳқор, Миртемир ва Шайхзодалардан кейин ижод яловини кўтариб турган ғайратли бу адиблар қаторидан ҳоқ олди".

Шоислом Шомўхамедов: "Шухрат аканинг ирода ва матонатига қўйил қолар эдик ва Айюб пайғамбар қисмати эгса тураш эди. Улуг Фирдавсийнинг кўйидаги мисраларини ўзига ҳаётий шир қилиб олгандек эди гўё:

*Дона тортаган чумолига берма озор,
Жон шириндир, ўшанда ҳам жон ширин.*

Бу гапларга бутун умр амал қилди, бирор кимсга озор бериш у ёқда турсин, барчага фақат маърифонлик қилган эди устоз".

Ҳаким Назир: "Тўшқунлик, нолиш нималигини билмаган, табиатан оптимист бўлган Шухрат ака ўз ижодий тажрибасини ёшлар билан ўртоқлашишда обдан саҳийлик, тантилиқ намунасини кўрсатар эди".

Иброҳим Раҳим: "Бутун умрини заҳматда, ижодий меҳнатда ўтказган ва меҳнатсиз туролмайдиган ижодкор Шухрат касалхоналарда бетоб ётган пайтларда ҳам қўлидан қаламини туширмади. Хасталиқ тўфайли тили зўрга айланган пайтларда ҳам лирик шеърларини битиб, янги асарлар ёзди".

Нуриддин Мухитдинов: "Абдулла Қаҳқор ва Шухрат ўртасида муस्ताҳкам алоқа бор эди. Энг истеъдодли, маҳсулдор адиб саналган Абдулла Қаҳқор тил устаси эди. У кишининг Шухрат билан дўстлиги чин дўстлик эди. Бир-бирига ҳавас қилгудек яқин эди. Икки ижодкорнинг суҳбатидан кўп марта баҳраманд бўлганман. Уларнинг ақсияси, шўхлигига ҳавасим келар эди".

Пўлат Мўмин: "Шухрат акани илк кўрганлар хайратда қолишар эди. Бу шоирни чинкакам эъзозлаш эди. У шеър ўқиганда одамлар жон қулони-ла тинглашарди, одамлар тинглаб, англаб мазза қилишарди. Шеърлари тингловчиларнинг дардларини оларди гўё, завқ улашарди уларга".

Шукур Холмирзаев: "Шухрат ака биз ёшларга кўп насихат қилар эди, тўри йўлга бошлар эди. Ўзлари айтгандек: "Турмада онт ичганман, омон чиқиб борсам, ёшларни биздай бўлмаслиқга ўргатишим керак. Мен бугунгача мана шунга ҳаракат қилиб келдим", деган эдилар".

Фахриддин Умаров: "Шухрат ака беназир ижодкор эди. Мен у кишининг рубоийларини Бобурга таққослайман. Уша тинкичилиги, ўша ўт-оловни Шухрат аканинг рубоийларида кўраман".

Усмон Азим: "Шухрат ака бировларнинг гапиришига тақдир қилмас, бироқ ҳар замонлар кечган воқеаларни айрича бир завқ билан ҳикоя қилар эдики, эшитган одам баайни китоб ўқийтган каби



Суратда: Шухрат таниқли адиблар Миртемир ва Ибройим Юсупов билан.

лаззат олар эди. У киши миллатчиликда айбаниб, қамалиб чиққан бўлса ҳам, чўшини билмас эди. Уша пайтда ҳамма ҳам кўпчилигининг орасида, масалан, Чўлпон ҳақида баралла гапиравермасди. Аммо Шухрат ака ҳеч нарса билмагандек, зўриқмасдан, атрофга алангламай, овозини пасаитирмасдан — шоир ҳақида бемалол тўлиб-тошиб сўзларди..."

Уткир Хошимов: "Шухрат ака урушда қон кечди, инсон боласи чидаши қийин бўлган азобларни кўрди, совет юрти учун жонини фидо қилди ва эвазига... эллигинчи йилларда "сиёсий душман" сифатида Сталин ГУЛАГга тикилди! Инсон учун, айниқса, қалби нозик ижодкор учун бундан ортик адолатсизлик бўлиши мумкинми? Эдиб шунда ҳам долдемади. Ёлғон-яшқ шорлар эмас, инсон қисмати ҳалол тасвирловчи асарлар ёзиш кераклигини ҳис этди ва шундай китоблар ёзди".

Шундай. Ҳақ қарор топиб, маҳкумликдан озод этилгач, Шухрат шахсга сизиниш даврининг фожияларини акс эттирган "Олтин зангламас" романини ёзди. Ўз даврида Ойбек, Абдулла Қаҳқор романлари даражасидаги асар деб баҳоланган бу романининг китобхон кўлига тегиши ҳам осон бўлмади. Чунки бу асарда ҳаётий ҳақиқатлар шахсга сизиниш даврининг фожиялари акс эттирилган эди. Адибнинг жасорати, қатъияти, қалам олдидаги масъулиятига садоқатини кўринди, ҳаётининг неча йилларини тош деворлар ортида ўтказишига сабаб бўлган тарихий ижтимоий оғриқ, дардлар ва уларнинг оқибати ҳақида мажур асарда ҳикоя қилди. 1967 йили роман дастлаб "Шарқ юлдузи" журналинда, сўнгра китоб ҳолида нашр этилди. Адабиётда ҳаётнинг барча соҳалари ижобий бўёқларга бўёқ эди этирилиётган ўша даврда бундай роман ёзишга ҳар ким ҳам журъат этолмасди. Олтимишинчи-етмишинчи йилларда "Олтин зангламас"дай асар билан майдонга чиқиш учун катта жасорат керак эди. Роман катта шов-шувларга сабаб бўлди. "Наҳотки бу сирли муаммони очиб-ошқор айтиш мумкин бўлса? Энди Шухратнинг қисмати нима бўларкин?" деганлар ҳам бўлди. "Олтин зангламас" романининг яратилиши фақат ёзувчининг эмас, балки китобхон, адабиёт, ижодкорларнинг умумий ютуғи эди.

Аслида, ёзувчининг дилида борини тўлиқ ифода-лашга замон йўл бермаганини бир шеърда шундай ифодалади:

*Мен олам китобин бир-бир варақлаб,
Кўп нарса тушундим, кўп нарса билдим.
Замону замону оқимга қараб
Унтадан биттасин ошқора қилдим.*

Шухратнинг Ванатга садоқат, инсон учун қиндик қони тўкилган тупроқдан бошқа жойлар асл ватан бўлмаслиги, Ватандан айро умр мусибату армонларда кечиниши ифода-лаб ёзилган "Жаннат қидирганлар" романи ҳам китобхонларга етгунча айрим шахсларнинг бўҳтонларига учради. Аммо 1968 йилда босилиб чиққанидан кейин муҳлисларнинг севимли асарларидан бирига айланди.

Ҳа, Ванатда яшаб Ватан, миллат, она халқ, қондошу жондошлар қадрига етмаган, халқу Ватаннинг фақат ёруғ кунларидан баҳраманд бўлиб, синовли онларда бошини панана олгучилар ҳам, афсуски, йўқ эмас. Ана ўшандайлар ҳаёти билан солиштириб таҳлил этилса, Шухрат домла каби инсонлар ҳам "Жаннат қидирганлар"нинг асосий ижобий қаҳрамони, деса бўлар.

Адиб ижодда ҳам, ҳаётда ҳам инсонийлик талабларига содиқ қолди. Юқорида Шухрат "тройка" қарори билан 25 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинишига Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, мутафаккир тарихчилар Хондамир, Мирхонд қабиларни таълим даргоҳларида ўқитиш бўйича алоҳида дастурлар тайёрлаш, ўқув соатларини кўпайтириш, яъни бу тарихий шахслар ҳақида ёшларга кўпроқ маълумот бериш, уларни тарғиб этишни кучайтириши қўллаб-қувватлагани сабаб бўлганини айтгандик. Қаранг, шундай айбон билан қамоқда ўтириб, 1955 йилда оқланиб чиққан Шухрат бир йил ўтиб тугилган ўғлига Хондамир, ундан кейин фарзандига Бобур деб исм қўяди. Кейинчалик набираларга Комрон, Темура, Боту, Хумоюн, Мирхонд деб исм қўйишади.

Яқинда "Академнашр" Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шухратнинг хибсдаги ҳаёти тўғрисида мўъжаз китобни чоп этди. Таниқли адиб Мирзо Кенжабек адибга котиблик қилган ушбу асарда домланг 50-йиллар қатағони давридаги машаққатли қамоқ ҳаёти акс эттирилади. Уша машум замонда илгирима яқин кўзга кўринган ўзбек зиёлилари хибс қилинади, улар махфий суд қилиниб, узоқ муддатларга сургунга жўнатилди.

Халқимизнинг севимли ижодкорларидан — Шукур Холмирзаев ва Усмон Азим дастаги билан Шухрат муаллим хаста ҳолига қарамай Мирзо акага бошидан кечирган воқеаларни эринмай гапириб берган, уларни қайд этишга ўзига хос мушкулликлар бўлгани ҳам рост. Қайд этиш жараёни 1988 йилда бошланади. Шухрат домла бу қиссанинг нашридан умидвор эди. У киши ҳаётлигида бир парчаси газеталарда босилди, холос. Асар ўтган йили тўлиқ ҳолда 35 йилдан кейин дунё юзини кўрди.

Ушбу асардан айрим қайдалар: ...Адиб ҳуқуқ идоралари томонидан таъқибга олинади. Бир кун ёмғир шивалаб тургани учун уйга қайтишда такси тутайди. Рус йигити эпчиллик қилиб, ундан олдин машинага минмоқчи бўлади, ёзувчи бунга йўл қўймайди. Тортишиб ўтиргандан кўра, муаммо милицияхонада ҳал қилинишига ишонидидаги иккиси ҳам.

Навбатчи миришаб раҳбарига: "Маст безорини тутдик", деб ҳисобот беради. Домла бор-йўғи бир финжон пиво ичгани тўғрисидаги гапига эътибор ҳам қилишмайди. Ўша кеча милиция қамоқхонасида қолади... Эртасига Ёзувчининг уюшмасида миришаб-хонадан келган ҳужжат асосида у "Шарқ юлдузи"дан ишдан ҳайдалади...

Кейинги сафар Фрунзе (ҳозирги Бишкек) шаҳрига қариндошларининг уйига таззияга боргани учун яна сохта далиллар билан милицияга тушади. Гўёки "Қирғизистон орқали Хитойга қочиб кетиш"та уринган эмиш.

Бундай ҳолатда, албатта, жиддий тергов олиб борилади. Терговчи Суханов деган кимса адибдан барча антисовет фаолиятини айтиб беришни талаб қилади. У ўзига емак қақиртириб, овқатлана туриб, сўроқни давом эттиради. Шухрат ака эса: "Тушликдан ҳам, кечки овқатдан ҳам маҳрум бўлган эдим, жуда овқат егим келар эди", деб хотирлайди.

— Иқдор бўлсанг, сенга ҳам овқат бераман. Қайсарлик қилиб тураверсанг, борадиган йўлинг фақат битта: лагерь!

Тергов давом этар экан, асосиз, мантиқсиз гунонлар кишини зада қилиб юборади. Саволлар ўша-ўша, жавоблар ҳам деярли ўша-ўша.

"Антисовет ташкилотига қачондан аъзосан? Бошлигинг ким? Рус оғаларга қарши қайфият сенда қачон пайдо бўлган? Такси талашиб турганинда мақсадинг нима бўлган? Хитойда киминг бор? Ёзувчилардан яна кимлар бу ташкилотга аъзо? Қандай тарзда иш олиб боргансанлар? Бу антисовет ташкилотига ўзинг шахсан кимларни тортгансан? Аввалги халқ душманлари билан алоқанг қандай эди?" ва ҳоказо.

Адиб баъзи-баъзида хибсхонага виқор ва салобат билан Бош прокуратуранинг алоҳида ишлар бўйича ўринбосари Броклов кириб қолади, деб эслайди. Ҳўжақўрсинга маҳбуслардан ҳол сўраб, шарт-шароитини назорат қилган ҳисобланади. Аҳволни айтсангиз, парво қилмайди, гўё ҳамма иш қонуний кетаётгандек.

Сабри тўлган ёзувчи инсон қиёфасидан узоқ бўлган, ўша қаттол даврининг алоққўрларидан бири Суханов устидан арз қилиб, ички ишлар вазири ўринбосари Қурбонов қабулига қиради.

— Сени терговчи урмаган бўлса хисобга ўтмайди, агар унинг ўзи урса ёки қўпол муомала қилса, бизга айтасан!

— Кўполлик қилади, сўкади.
— Гувоҳинг борми?
— Хибсхонада қанақа гувоҳ бўлсин!
— Демак бу гапинг ҳам ёлғон. Бизда уриш, сўқиш йўқ!..

Икки йиллик ана шундай ҳўрлик, азоб-укубатли қамоқдан кейин суд бошланади. Судланувчилар орасида Ҳамид Сулаймон, Мирзакалон Исмоилий, Шуқрулло сингари таниқли инсонлар, жами саккиз киши бор эди.

Суд иши илгирима кунга чўзилди. Ўзи нари-бериси билан икки кунлик иш, ҳакамларнинг мақсади жиноят қўламани бўрттириб кўрсатишдан иборат эди.

Кўйилган айблар: Файзулла Ҳўжаев, Акмал Иқромовнинг мақсад ва ғоялари, кейинроқ эса Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Ғози Юнус, Абдулхамид Сулаймон Чўлпон, Усмон Носир тўғрисида саволлар берилади. Судланувчиларни қамалиб ёки отилиб кетган бу оидинларга сафдош сифатида айбашга уринишади.

Суд жараёнида адибни Мухитдин Комилов бошчилигидаги советларга қарши "Миллий истиқлол" ташкилотининг аъзоси, деб исботламоқчи бўлишади. Судда "раҳбар"нинг ўзи иштирок этади.

— Унинг гувоҳлик беришча, мен ва Саид Аҳмад бу ташкилотда фаоллик кўрсатган эканман, — дейди Шухрат ака.

Шухрат домлага қўйилган айблардан яна бири Чўлпоннинг "Соз" китобидаги "Соз" шеърига ўхшатиб, аруз вазида шеър ёзгани эди. Айбловномада айтилишича, айнинг биринчиси Чўлпонга ўхшатиб ёзган бўлса, кейингиси Шухратнинг арузда ёзгани эди. Аруз вази рус шеърятини йўқлиги боис бошқа халқлар хибсдаги муомтоз санъат гўё эскилик сарқити ҳисобланар, бу вазида ёзган шоирлар гўё эски даврларни қўмсаган бўлиб чиқар экан.

Терговчилар гуруҳининг бир йилдан ортик ури-

нишларидан натижа чиқмагани бир сари, судда ҳам ҳеч қандай мантиқий далиллар ҳисобга олинмай, судланувчилар 25 йилга қамоқ жазоси оладилар.

Қиссада, шунингдек, Тошкентдаги ва Қозғистондаги турмалардаги оғир вазият, ҳўрликлар, камситишлар батафсил ёритилади. Зиёлиларнинг маҳкум қотиллар, порахўрлар, қароқчилар билан бир камерадаги "хаёти" берилади. Ойдинларнинг ўша замон қамоқларида йўқ бўлиб кетаётгани, мамлакатнинг хароб бўлаётгани, алдовга асосланган тузум барпо бўлгани тўғрисида гап боради.

Асарда бошқа миллат маҳкумлари билан Шухратнинг бўлиб ўтган суҳбатларига ўрин бериладики, бу лавҳалар ҳам ўқувчининг диққатини ўзига тортади. Масалан, грек йигити Прокакишинг "Греция — Ватанимга кетаман", дегани учун ватан хонини сифатидаги қамоққа тушгани таъсирилик ҳикоя қилинади.

Дер исмли немис йигитининг қисмати ҳам ачинади. У гўёки ўзи ишлаётган Чирчиқдаги махсус заводни портлатмоқчи бўлган эмиш...

Ҳўжалик-молиявий иши билан қамалган Лешчанский Абрам Исроилович китобда бадавлат маҳбус деб таърифланади. У Киров номдаги Истеъмол моллар қамбинатининг раҳбари бўлиб ишлаган кезларда алиф мойи ишлаб чиқаришдаги беш миллион камомади учун 150 миң рубль пора тўллаш ва беришдаги машаққати баён қилинади.

Туркистон легионига хизмат қилганлар ҳам адиб билан бир турмада бўлган эканлар...

"Озод қалб" асарига диққатимни тортган яна бир нарсаси, унда устознинг 60-йилларининг охирида Туркманистон сафарига лагерда ортирган дўсти Журменек бахши билан қаршилашши эпизоди келтирилади.

— Биз совет билан келишиб олдик: у

ЭЪТИБОР

Кино санъати инсон онги ва қалбига кучли таъсир кўрсата олувчи беқиёс қудрат ва имкониятларга эга.

Мамлакатимиз кино санъати бир асрдан зиёд тарихга эга бўлиб, ўзига хос тараққиёт йўлини босиб ўтган. Бу давр мобайнида ўзбек киносининг пойдевори яратилиб, у халқимизнинг маданий-маънавий ҳаётида муҳим ўрин эгаллади.

Муствақиллик йилларида миллий кинематография ри-вожига давлатимиз томонидан қаратилаётган катта эътибор натижасида соҳада муайян ютуқларга эришилди. Мазмун ва шакл жиҳатидан ранг-баранг киноасарлар яратилиб, улар томошабинлар эътиборини қозонди.

Бугун кино соҳасига ҳар қачонгидан ҳам катта эътибор берилмоқда. Бошқа соҳаларда бўлгани каби ўзбек миллий киноси ривожини учун кенг йўл очиб берилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 ав-



густдаги "Миллий кинематографияни янада ривожлан-тириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва 2017 йил 9 ав-густдаги "Ўзбекистон ижодкорларини қўллаб-қувватлаш "Илҳом" жамоат фондиди ташкил этиш тўғрисида"ги қарорлари ана шу гамхўрликнинг амалий исботидир.

Хабарингиз бор, жорий йилнинг 16 май куни муҳта-рам Президентимиз Тошкент шаҳридаги маданият ва санъат соҳасидаги янги маскан ва лойиҳалар, жумла-дан, Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров ҳайкали-нинг очилиш маросимида иштирок этди, сўнгра Ўзбеки-стон давлат консерваторияси ҳузуридаги Ботир Зокиров номидagi миллий эстрада институти фаолияти билан ақиндан танишди.

Шу куни Президентимиз Киночилар саройини ҳам бо-риб кўрди. Айтиш жоизки, ушбу маскан 2021 йил мукам-мал таъмирланиб, шароитлари янгиланди. Катта-кичик заллар, ёғи кинотеатр ва хоналар замонавий жиҳоз-ланди. Бугун бу ерда ҳамми 3 минг нафар томошабинни қабул қилиш имкони мавжуд.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Ўзбекистон кино санъ-ати музейини кўздан кечирди. Музей 1972 йилда ташкил этилган бўлиб, илгари музей-архив сифатида фаолият юритган. Унда эллик мингдан ортиқ тарихий буюм, ли-бос, расм ва кинотасмалар бор.

Эндиликда музей Киночилар саройига қўчирилиб, кўргазмага қўйилди. Биринчи қаватдаги экспонатлар ўз-бек киносининг тарихи ва асосчилари, сўнгги йиллар-даги ютуқларига бағишланган. Иккинчи қаватда тарихий фильмлардаги либослар, атоқли киноижодкорлар ҳаёти ва фаолияти акс эттирилган. Аҳамиятлиси, кино кўриш истигади келган борки, шу тарих билан танишиб ўтади.

Давлатимиз раҳбари шу ерда режиссёр ва актёр-лар, киношунослар, соҳа мутасаддилари билан суҳбат-лашди.

— Сўнгги йилларда миллий киномиз қайта "уйғонди", десак тўғри бўлади. Юқори савияли, замонавий сиф-патли фильмлар пайдо бўлди. Бунинг учун сизларга

МИЛЛИЙ КИНО РИВОЖИ УЧУН КЕНГ ЙЎЛ

миннатдорлик билдираман. Шу билан бирга, кинемато-графияни ривожлантириш учун яна нималар қилишимиз керак, деган савол мени ўйлантиради. Агар тарихимизни дунёга тараннум этмоқчи бўлсак, халқимизнинг миллий гурурини кўтармоқчи бўлсак, бунинг биринчи навбатда кино ёрдамида амалга оширишимиз керак, — деди Дав-латимиз раҳбари.

Мулоқотда Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган "Тирик тарих" туркумидаги фильмлар лойиҳаси тақдирот қилинди.

Бу 2024-2030 йилларга мўлжалланган стратегик дас-тур бўлиб, энг қадимги ўтмишимиздан тортиб, яқин тари-химизгача бўлган жуда катта даврни қамраб олади. Яра-тиллажак фильмларнинг мавзуси кенг ва ранг-баранг.



Жумладан, милотдан аввалги VI асрда яшаган мил-лий қаҳрамонимиз Широқ ҳақида, миллий давлатчи-лигимиз тарихида ўчмас из қолдирган Алп Эр Тўнға, Соҳибқирон Амир Темур ва темурийлар, шу пайтгача етарли ўрганилмаган Шайбонийлар, қорақалпоқ шоири Ажиниёз ва бошқа машҳур адиблар ҳақида, буюк алло-маларимиз ва миллий истиқлол курашчилари тўғрисида ҳикоя қилиниши кўзда тутилган.

Лойиҳада чет эллик ҳамкорлар, хусусан, Испания, Германия, Венгрия, Россия, Ҳиндустон, Туркия, Япония, Хитой, Жанубий Корея, Ҳиндустон, Озарбайжон, Қо-зонистон, Туркменистон, Тожикистон каби давлатлар-нинг кино санъати усталари ҳам иштирок этиши режа-лаштирилган.

— Албатта, бу дастур ва ғояларни амалга ошириш учун кўп моддий имконият талаб этилишини, юзлаб истеъдодли мутахассислар зарурлигини ҳам барча-миз яхши биламиз. Қанчалик қийин бўлмасин, биз том маънодаги улкан, тарихий бу лойиҳанинг молиявий масалаларини ҳал қиламиз. Нега деганда, ушбу дас-тур шонли ўтмишимизни чуқур англаб, шу асосда ке-лажакка ишонч билан дадил қадам қўйишга, ёшларни чинакам ватанпарвар инсонлар қилиб тарбиялаб, Учинчи Ренессансни барпо этишга катта туртки бўлади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари билан бўлиб ўтган дилдан суҳ-бат кино соҳаси вакилларига илҳом, ижод завқини бағишлагани шубҳасиз. Бу жиҳатлар Кино саройининг қад ростлаганига 60 йил тўлгани муносабати билан ўт-казилган "Янги Ўзбекистон кино санъатининг уфқлари" форумида ҳам ўзининг яққол ифодасини топди.

Анжуман аввалида киноижодкорлар, мутахассислар ҳамда меҳмонлар киносарой биносига Ўзбекистон кино санъати музейидаги экспонатлар билан танишди.

Форумда кейинги йилларда кинематография соҳасига қаратилаётган юксак эътибор ва рағбат хусусида батаф-сил сўз юритилди. Бунинг натижасида ўзбек киночилари томонидан яратилган "Яқшанба", "Кўк чой", "Илҳом", "Ўз-бек қизи", "Фариданинг икки минг қўшиғи", "Абдулла Ори-пов", "Мерос" ва бошқа қўллаб-қувватланган халқаро фести-валларда алоҳида эътироф этилиб, мукофотларга саво-вор бўлди.

Шунингдек, анжуманда Президентимизнинг кино-ижодкорлар билан самимий учрашуви, мазкур мухта-шам кинотеатр барпо этилганининг 60 йиллиги ҳамда унда ташкил этилган "Янги Ўзбекистон — янги кино санъ-ати" номли кўргазма ва ундаги экспонатлар, кино тарихи ҳақида батафсил сўз юритилди.

Форум давомида Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зо-кировнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган "Қуйламоқ — яшмоқ демак" номли ҳужжатли фильмнинг илк катта премьераси намойиш этилди. Мазкур ҳужжатли картина




устоз санъаткорнинг машаққатли ҳаёти, ижод йўлидаги изтиробли изланишлари, жаҳон миқёсида тан олинган кўшиқлари хусусида атрофлича ҳикоя қилгани билан аҳамиятли бўлди.

Форум якунида Миллий кино санъати саройининг 60 йиллиги муносабати билан Миллий кинематографияни ривожлантириш маркази томонидан барча киноижод-корлар ва мутахассислар учун эстрада юлдузлари ишти-рокида гала-концерт ташкил этилди.

Ислом АСИЛБЕКОВ.

СОҒИНЧ



ОҚСУВ БҲЙИДА...

Яқинда бир зуррўқашқадарлик ижодкорлар "Мен туғилган юрт" лойиҳаси асосида вилоят туманларида бўлиб, бугунги куннинг ислоҳотлари билан танишдик...

Ўзим Қашқадарнинг Китоб шаҳрида туғилиб ўсдим. Ўн йил ўқиган мактабим шундоққина Оқсув дарёси бўйида жойлашган.

Болалигим бир пайтлар "Қизил Октябрь" дегувчи, сўнг Ҳамид Олимжон номи билан қайта номланган маҳаллада ўтган. Гузаримизда кичкинагина новвойхона бўларди. Унинг қачон қурилганини билмайман. Эсимни танибманки, шу ерда нон ёпиларди.

Тушлик пайти қорин забтига олиб, мактабдан қайтаётганингизда, оҳ, бу жойдан келаётган қайноқ, иссиққина ноннинг исини айтмай-сизми?!

Бебаҳо, тенгсиз ифोर, ҳарорат...
Новвойхона кўп одамларни кўрган.

Низом новвой, Саид новвой, Йўлдошев бова, Мамарайим тоға, уста Асад, Қодир пасон, Ҳайит ака, Маматқул бова, Мулла Рауф бова...

Улар жуда кўп, айтсам адоғи йўқ...
Қўр тўқиб ўтирардилар новвойхона ташқарисидagi сўрида...
Улар маҳалламиз қурки, файзи эканлигини билмаган эканмиз ўшанда...

Иллар ўтиб новвойхона ёпилиб кетди. Шу жойга туташ бўлган хонадон эгаси менга тегишли жой деб, ховлиснинг этагига қўшиб олди.

У кишининг ўзлари ҳам дунёдан ўтиб кетдилар...
Қайтадан очиб, бирор неварга фарзандлари юритиб турса, қанча савоб бўлармиди...

Ҳар доим уйга борсам, шу жойда бироз ўтираман. Болалигимни ёдга солади.

Эскигина, букчайиб қолган эшиги, дераза ойналари ўрнига фанер қоқилиб, ранглаб ташланган деразаси, нурай-нурай деб қолган лой-сувоқ деворлари ва ҳатто ёнидаги муъжазгина туйнукчаси ҳам дар-вор болалигимни ёдига солаверади.

Кўз ўнгимда бевақт хазон бўлган икки синфдошимнинг сиймоси гавдаланади...

Амакининг сал кенглик қилмаганига оғринаман.

Юрагимнинг бир ерида Оқсув дарёси ҳам бор. Унинг соҳилларида қайтиб келмас, хув ўша шўх-шаддо болалигимнинг сурати чизилган. Дарё кўпригининг темир панжараларида қанчадан-қанча жажжи бар-моқларимнинг излари қолган бўлса-я... Ҳозир ҳам гурас-гурас бўлиб мактаб ўқувчилари ўтиб кетишади.

Аммо болаларнинг кўзларида ҳайрат камроқдай. Дарё ҳам саёз-линиб, қуриб тугаб бораётгандай, назаримда...

— Ў, дарё, — дейман ҳар гал борсам, кўприкнинг устида туриб, дилимни тимдалаб-тимдалаб келаётган оғриқни босолмай, — ўза-нинг қани?

Турна кўзли булоқларинга қани?
Қайнаб-тошиб югурган селлар қани?

Ой энди бошқача, осмон бошқача,
Жимгина атрофга қарайди қаради.
Соҳилда кўринмас, кўрпача солиб,
Оёғин узатиб ўтирган чоллар...

Дарё жим, қуриб бораётган соҳиллари занжирбанд этилгандай мўлтираб тураверади. Ўша йиллари: "Биз ҳам тугаймиз, пасаямиз", десалар, ҳечам ишонмасдим. Тугамайдиганга, пасаймайдиганга ўх-шарди менинг Оқсувим!

Тугамайдиганга ўхшарди менинг болалигим!
О, болалигим-а... Қадринга етмадимми?..
Қадринга етмадимми, Оқсувими?..

Қашқадарёга сафарим чоғи яқиндагина иш бошлаган Китоб ту-мани ҳокими Рустамжон Ғафуров билан учрашдим. Ешгина йигит, кўриниб турибди, ишлайман деган гапга бориб.

Уч йил бўлди, чамамда, маҳалла гузаримизнинг биноси бузи-либ, фаоллар ҳали у ёқда, ҳали бу ёқда ижарама-ижара юришибди. Менга ҳам мурожаат қилишганди. Ахир маҳалла идораси фуқаро-ларнинг иккинчи уйи, йигилдиган, маслаҳатлашадиган, гапларини айтадиган жойлари эмасми?

Уларни турар жойидан айириб, масаланинг ечимини фақат ўзла-рига ташлаб қўйиш осонми?

Фарҳод деган йигит маҳалла раиси экан. Унга ишониб топшириш-ган. Уни қўллашимиз лозим. Қараб туриб бўлмайдди. Туппа-тузук иш бериб турган бинони бузиш қайси кўнгли бузуқнинг ҳаёлига келган, Худо билади. Шу маҳалла идорасининг ёнида муъжазгина кутубхона ҳам бўларди. Афсус, у ҳам кўнгли бузуқларнинг қурбонига айланган. Бу тарихий кутубхона ҳақида мавриди билан алоҳида тўхтаман. Ту-ман ҳокими билан қуришганда дастлаб ана шу тақдиримни, сув қувур-ларини янгилаймиз деб кўчаларни ўнқир-чўнқир қилиб ташлашганини ҳам айтдим. Худо хоҳласа, яхши янгиликлардан умид қиламиз.

Нобот ОЙДИН,
Ўзбекистон Ёзувчилар ва
Журналистлар уюшмалари аъзоси.

БОЛАЛАР БЕКАТИ

Ассалому алайкум, азиз болажон-ларим! Бу дунёи азалда тафаккурга эга бўлган ягона зот инсон эканли-гини бугун ҳамма болалару ёшлар би-ласизлар. Сизлар ўз тафаккурингиз воситасида яхши нимаю ёмон нима-лигини, ҳалол-ҳаромни, савоб ва гу-ноҳни фарқлай оласизлар. Бу — яхши амал. Энди битта саволга ўзим жавоб айтсам. Ҳар биримиз бир кунда неча марта кўл очиб дуо қилишимни би-лаемизми? Албатта биламиз. Дуо пай-тида фақат яхши тилкалар Аллоҳдан сўралади. Бу ҳам яхши одат ва одоб. Одатга кўра кўл дуога очилганда, ҳар бир инсонга, аввало имон, инсоф, диёнат сўралади. Боиси, мана шу муштарак тушунчалар кимда мужас-сам бўлса, ундан асло ёмонлик чиқ-майди.



ЯХШИЛИКНИНГ ЖАВОБИ

Сиз азиз фарзандларимга мурожаат қиламан, айтинглар-чи, маънавият деган сўз ўз ичига олган одоб-ахлоқ, билим, илм, имон-эътиқод, виждон, амалий кў-нимка, ҳалоллик ва адолат тушунчалари-дан қайси бирига эгасиз? Уйлаб кўринг! Хулоса қилиш ўзингизга қолди.

Мен сиз азиз фарзандларимга ҳавас қиламан. Сиз азизлар Янги Ўзбекистон-нинг эртанги кунда яшайдиган, шу гўзал Ватанинг азиз одамлари бўласиз. Шу ма-конда бахтли-иқболли бўлиб, ҳақиқат ва адолат юқини елкангизда кўтариб, хур ва фарован яшайдиган сизлардан умидимиз катта! Демак, бир сўз билан айтганда, сиз-ларни имонли, эътиқодли бўлишингизга қаҳраман ва бунга ишонман.

Сизларга бахтли келажакни тилаб, сал кам 84 ёшни қарши олаётган камина ёзувчи, драматург бувангиз бир ҳикоятни айтиб бермоқчиман.

...Қадим-қадим замонда, катта битта мамлакатда бир ўзига тўқ, бой киши бўл-ган экан. Аммо у шундай зикна, хасис

эканки, бир қора тангасини ҳам осон-ликча сарфлагини келмас экан. Ҳатто ўша мамлакатнинг шоҳи ҳам унинг шу-нақалигини эшитган экан. Кўнлардан бир куни қараса, ўша бой йўллар, кўприклар қура бошлабди, камбағалларга уй-жой-лар қуриб берибди, кўп болали ёрдамга муҳтож оилаларнинг хатна туйларини ўт-казиб бераётганмиш.

Мамлакат подшоҳи унинг тақводорли-гини эшитиб, ўз миннатдорлигини айтиш учун бойни ўз ҳузурига келиши қилибди. "Эй, бой, хаффа бўлмайсиз, сизини ўта ха-сис киши деб эшитгандим, нима бўлдию, сиз ўз ҳисобингиздан мамлакатга катта ёрдамлар қилаётган эмишсиз, бунинг боиси нимада?" Саволга жавоб шундай бўлибди: "Шу кунгача бу дунёда ҳалол

ишладим ва ҳалол яшадим. Менга Ал-лоҳ кўп давлат берди. Уни ҳуда-беҳудга сарф этмай, анча мол-мулк йигдим. Энди умрим охирига бораётганида у дунё учун ҳам савобли ишлардан қилишим керак-лигини англадим. Шу боис қўлимдан кел-ганча йўқсиллар гамида бўлган барча ишларга сарфлаб турибман, эй, олампа-ноҳ!" — дебди.

"Мамлакатга ёрдамингиз катта бўлиб, элнинг оғирини енгли қилаётганингиз учун сизга ташаккур билдираман. Соғ-са-ломат бўлиб, бу савобли ишларингизни тўхтатман. Аллоҳ бу фазилату сахова-тингизни қадрлашига, сизга ўз яхшилик-ларини, фазлу қарамини ато этишига мен ишонман", дебди шоҳ.

Подшоҳнинг бу гапини эшитган бой шу

заҳоти "Ашҳаду алла-а ила-ҳа иллаллоҳу ва ашҳаду анна Муҳаммадан ʼабдуху ва расулух" дея, яъни Аллоҳ ягона ва буюқ, У бизларга юборган пайғамбари Муҳам-мадга ҳамду санолар бўлсин, деган сўз-ларни айтибди. Бойнинг бу тиловати под-шоҳга жуда маъқул бўлиб, шу ондаёқ уни катта бир вилоятга ҳоким этиб тайин-лабди.

Эътибор қилинг, демак, яхшиликнинг ниҳояси яхшилик билан тугар экан-да.

Хулоса: бу ҳикоятлардан ибрат олинг, азиз болажонларим, ҳамisha яхшилик қилишга, одамларнинг раҳматини олиб юришга интилинг. Бундан, албатта, ўзла-рингиз яхшилик кўрайсиз.

Тўқтин МУҲИДДИН,
ёзувчи, драматург.

